

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIIY VA O‘RTA MAXSUS TA’LIM
VAZIRLIGI HUZURIDAGI
“MA’NAVIYAT VA MA’RIFAT”
MARKAZI**



**“SPIRITUALITY AND EDUCATIONAL”
CENTRE UNDER THE HIGH AND
SECONDARY MINISTRY OF
EDUCATION THE
REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

100095, Toshkent shahar, Talabalar shaharchasi,
Talabalar ko‘chasi, 70

Telefon: (998-71) 246-95-43 Faks: (998-71)
246-64-75

e-mail: mm.markaz@umail.uz

100095, Tashkent city, Talabalar city, Street
Talabalar, 70

Phone: (998-71) 246-95-43 Fax: (998-71) 246-64-
75

e-mail: mm.markaz@umail.uz

№ _____

**Олий таълим муассасалари
ректорлари ва филиаллар
директорларига**

Олий таълим муассасаларида ўтказиладиган “Ахборот ва мураббийлик соати” машғулоти Намунавий режасига мувофиқ, 2018/2019-ўқув йилининг тўртинчи ҳафтасида ўтказиладиган “Ахборот ва мураббийлик соати” машғулоти материаллари иловага мувофиқ юборилмоқда.

Шу муносабат билан, Сиздан ҳафта давомида ўтказиладиган “Ахборот ва мураббийлик соати” машғулотларини вазирликнинг 2018 йил 13 сентябрдаги 87-02-2527-сонли хати орқали тақдим этилган “Ахборот ва мураббийлик соати сабоқлари” номли услубий қўлланмага мувофиқ равишда, юқори савияда ўтказилишини таъминлашингиз сўралади.

Илова: 43 бет.

Ҳурмат билан,

**“Маънавият ва маърифат”
маркази директори**

О.А.Худайназаров

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ,
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР
МАЪЛУМОТЛАР**

**ТЕРРОРИСТИК, ЭКСТРЕМИСТИК ЁКИ БОШҚА ТАҚИҚЛАНГАН ТАШКИЛОТ
ВА ГУРУХЛАР ТАРКИБИГА АДАШИБ КИРИБ ҚОЛГАН ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИНИ ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИҚДАН ОЗОД
ЭТИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони

Мамлакатимизда диний бағрикенглик ва виждон эркинлигини таъминлашга, шунингдек, ёшларни террористик, экстремистик ва бошқа бузғунчи ғоялар таъсиридан самарали ҳимоя қилишга қаратилган жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бунинг натижасида биргина 2017 йилда 18 мингдан зиёд содир этган қилмишига пушаймон бўлган ҳамда тинч турмуш тарзига қайтган фуқаролар террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар фаолиятида иштирок этишга мойил бўлган шахслар рўйхатидан чиқарилди. Уларнинг 10 мингдан зиёди иш билан таъминлаш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда амалий ёрдам кўрсатилди.

Террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган, ўз қилмишининг ҳуқуққа хилофлигини англаб етган ва тузалиш йўлига ўтган фуқароларга Ватанига, оиласи бағрига, тинч ҳаётга қайтиш имконини бериш мақсадида, шунингдек, инсонпарварлик принципларига асосланган ҳолда:

1. Террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича Республика идоралараро комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб юритилади) иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

2. 2018 йил 1 ноябрдан шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар (кейинги ўринларда – тақиқланган ташкилотлар) таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Комиссия ҳулосасига асосан жиноий жавобгарликдан озод этилади;

Комиссия томонидан салбий ҳулоса чиқарилган тақдирда барча ҳолатлар қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда кўриб чиқилади.

3. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қуйидаги ҳолларда, ушбу Фармонга мувофиқ, жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин:

айбини бўйнига олиш тўғрисида шахсан арз қилиб келса, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлса ва тузалиш йўлига ўтган бўлса;

жиноий фаолият ва бошқа ҳуқуққа хилоф қилмишларни фош этишда фаол ёрдам берган бўлса;

тақиқланган ташкилотлар сафига алдов йўли билан жалб этилган бўлса;

тақиқланган ташкилотларнинг ғоявий ёки маънавий раҳнамоси бўлмаган бўлса;

жанговар ҳаракатларда ва қўпоровчилик ҳаракатларини содир этишда иштирок этмаган бўлса;

террорчилик фаолиятини амалга ошириш мақсадида тақиқланган ташкилотларда ўқув, махсус ёки ҳарбий тайёргарликдан ўтмаган бўлса;

террорчилик фаолиятини амалга ошириш мақсадида чиқиш ёки ҳаракатланишни амалга оширмаган бўлса;

халқаро терроризмни молиялаштиришда иштирок этмаган бўлса;
террористик, экстремистик ва бошқа бузғунчи ғоялар мавжуд бўлган материалларни адашиб ёки ахборот-коммуникация воситаларида тарқатишга қасд қилмаган ва бундай мақсадни кўзламаган ҳолда сақлаган бўлса.

4. Комиссияга (Муродов О.) қуйидаги ваколатлар юклансин:

тақиқланган ташкилотлар таркибига адашиб кириб қолган фуқароларнинг жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисидаги мурожаатларини кўриб чиқиш;

муурожаат этган фуқароларнинг шахсини, шу жумладан, уларнинг содир этилган жиноятларга дахлдорлигини ҳар томонлама текшириш орқали ўрганиш;

муурожаатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилинган хулосаларни дастлабки тергов органларига ўрнатилган тартибда тақдим этиш;

содир этган қилмишига пушаймон бўлган ва айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилиб муурожаат этган фуқароларга нисбатан тақиқланган ташкилотлар аъзолари томонидан салбий таъсир этилишининг олдини олиш бўйича тегишли чораларни кўриш учун ваколатли органларга топшириқлар юбориш;

жиноий жавобгарликдан озод этилган шахсларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатилишида, шу жумладан, бандлигини таъминлаш борасида кўмаклашиш ва мониторингини олиб бориш;

жиноий жавобгарликдан озод этилган шахслар билан профилактик-тушунтириш ишларини олиб бориш бўйича ваколатли органлар ва ташкилотларга топшириқлар юбориш.

5. Белгилансинки:

ушбу Фармон фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киришини ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштириш учун асос ҳисобланади;

тақиқланган ташкилотлар таркибига адашиб кириб қолган фуқароларнинг қилмишига пушаймонлиги ҳамда айбини бўйнига олиши тўғрисидаги аризаси хорижда уларнинг яшаш жойи бўйича Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналарига ёхуд Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига берилади;

ушбу Фармон билан жиноий жавобгарликдан озод этилиб, тақиқланган ташкилотлар фаолиятида иштирок этиш билан боғлиқ жиноятни қайта содир этган шахсининг такрорий муурожаати кўриб чиқилмайди;

Комиссия томонидан ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарор барча давлат органлари ва ташкилотлар томонидан ижро этилиши мажбурийдир;

Комиссиянинг ишчи органи Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳисобланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ички ишлар вазирлиги, Давлат ҳавфсизлик хизмати ва Олий суд билан биргаликда бир ой муддатда тақиқланган ташкилотлар таркибига адашиб кириб қолган фуқароларнинг муурожаатларини кўриб чиқиш ва жиноий жавобгарликдан озод этиш механизмларини назарда тутувчи Низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази ушбу Фармон мазмун-моҳиятини, шунингдек, унинг ижроси бўйича амалга оширилган ишларни мунтазам равишда аҳоли ўртасида кенг ёритиб борилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 6 сентябрдаги “Террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида”ги ПФ–2712-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ҳавфсизлик кенгаши котиби В.В.Махмудов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов зиммасига юклансин.

**МИЛЛИЙ ТЎЛОВ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

ЧОРА-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни изчил амалга ошириш орқали нақд пулларнинг банкдан ташқарида муомалада бўлишини қисқартиришга эришилди, тўловларни амалга ошириш жараёни сезиларли даражада осонлаштирилди, масофавий банк хизматларини кўрсатиш тизимларининг функционали кенгайтирилди.

Олиб борилган ишлар натижасида аҳолининг банк карталари ва бошқа нақд пулсиз ҳисоб-китоб усуллариغا хавфсиз ва қулай тўлов воситаси сифатида бўлган ишончи ошди. Шу билан бирга, эришилган ютуқларга қарамай, тўлов тизимларини ривожлантириш, уларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш ва рақобат муҳитини ривожлантириш учун замонавий технологик ечимларни жорий қилиш борасида қатор камчиликлар мавжуд.

Хусусан, чакана тўловларни қайта ишлаш бўйича давлат процессинг марказининг мавжуд эмаслиги миллий тўлов тизимининг хавфсизлиги даражасини камайтирмоқда, тўлов инфратузилмасининг ягона интеграллашувига эришиш имконини бермаяпти ҳамда бир монопол тизимнинг мутлақ устун бўлишига олиб келмоқда.

Бундан ташқари, тўлов тизимлари операторларининг фаолияти қонунчилик даражасида тартибга солилмаганлиги уларнинг ривожланишини чекламоқда ва мазкур тизимларнинг ишончли ишлашига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Тўловларни амалга ошириш узлуксизлигини таъминлаш, инновацион маҳсулотларни жорий қилиш, банк хизматларининг оммабоплигини таъминлаш ҳамда тўлов хизматлари бозорида рақобат муҳитини ривожлантириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ахборотлаштириш бош маркази” давлат унитар корхонаси Миллий банклараро процессинг марказини (кейинги ўринларда Миллий банклараро процессинг маркази деб юритилади) ташкил қилиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Миллий банклараро процессинг марказини ташкил қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки:

2019 йил 1 июлга қадар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Миллий банклараро процессинг маркази, банклараро тўлов тизими ва клиринг марказининг фаолият юритиши учун маълумотларни қайта ишловчи тўлақонли марказ яратилишини;

2020 йил 1 январга қадар маҳаллий ва халқаро банк карталари бўйича ҳисоб-китобларда иштирок этувчи банклар ўртасида ахборот ва технологик алоқа ўрнатишга кўмаклашувчи Миллий банклараро процессинг маркази ишга туширилишини;

2020 йил 1 июлга қадар мамлакатдаги барча процессинг марказларининг, шу жумладан, халқаро тўлов тизимларининг бевосита Миллий банклараро процессинг марказининг ягона шлюзи орқали ишлашини;

банк тўлов инфратузилмаси доимий равишда яхшиланишини, банкоматлар ва ўзига ўзи хизмат кўрсатувчи кўп функцияли терминаллар тармоғининг, шу жумладан, ўз тасарруфидаги корхона ва ташкилотларни жалб қилган ҳолда кенгайтирилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон банклари ассоциацияси тижорат банклари билан биргаликда Миллий банклараро процессинг маркази лойиҳасини амалга ошириш давомида мавжуд процессинг марказларининг Миллий банклараро процессинг маркази билан интеграциялашувини ва ўзаро хизмат кўрсатилишини таъминласин.

5. Чакана тўлов хизматларини кўрсатиш учун банк тарифлари банклар харажатлари қопланишини таъминлаш ва рақобатга кўмаклашиш учун маъмурий аралашувларсиз халқаро тажрибага мувофиқ ўрнатилиши белгилансин.

6. Марказий банк 2019 йил 1 январга қадар бўлган муддатда хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини, шунингдек, умумэътироф этилган халқаро норма ва қоидаларни чуқур ўрганиш асосида қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги қонуни лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

миллий тўлов тизимининг ҳуқуқий ва ташкилий асослари;

Марказий банк томонидан тўлов хизматлари бозорини тартибга солишни назорат қилиш, шунингдек, миллий тўлов тизими субъектларини лицензиялаш тартиби;

тўлов тизимларида банк сири ҳимоясини таъминлаш хусусиятлари;

электрон пуллар билан операцияларни амалга ошириш соҳасида ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, шу жумладан, электрон ҳамёнлар эгаларини идентификация қилиш тартиби.

7. Лойиҳани амалга ошириш доирасида, истисно тариқасида, Марказий банк ва “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ахборотлаштириш бош маркази” ДУКга:

Марказий банк ҳудудида ўрнатилган шаҳарсозлик норма ва қоидаларига амал қилган ҳолда, қурилиш ва лойиҳалаштиришни бир вақтнинг ўзида лойиҳалаштириш ва молиялаштириш шартларида амалга оширишга;

лойиҳалаш ва пудрат ташкилотларини, шунингдек, жиҳозлар, бутловчи буюмлар, техника ва технологиялар, эҳтиёт қисмлар, хомашё ва материалларни етказиб берувчиларни тендер (танлов) савдоларини ўтказмасдан, энг яхши таклифларни танлаш асосида аниқлашга рухсат берилсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси М.Б.Нурмуратов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,

2018 йил 19 сентябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори

Ўтган йилларда мамлакатимизда аудитнинг норматив-ҳуқуқий ва услубий базаси шакллантирилди, шунингдек, аудиторлик фаолиятини лицензиялашнинг соддалаштирилган ва муддатсиз тизими жорий этилди, бу аудиторлик хизматлари бозорининг шаклланишига ва маҳаллий аудиторлик ташкилотлари аудиторлик компанияларининг йирик халқаро тармоқларига киришини таъминлашга имкон яратди.

Шу билан бирга, қатор муаммолар ва камчиликлар аудиторлик фаолиятининг янада ривожланишига, бошқаришга оид қарорларни қабул қилиш ва корпоратив бошқарув сифатини ошириш учун аудиторлик хизматларининг аҳамиятини оширишга тўсқинлик қилмоқда, хусусан:

биринчидан, аудиторлик ташкилотларига ишонч даражаси паст, шунингдек, аудиторлик текширувига молиявий ҳисоботнинг ҳаққонийлигини тасдиқлашнинг кафолати эмас, балки ортиқча ва малол келадиган маъмурий тартиб-таомил сифатида қаралмоқда;

иккинчидан, аудиторлик ташкилотларини танлаб олиш бўйича мавжуд чекловлар ва танловлар ўтказиш амалиёти кўп ҳолларда инсофсиз, шу жумладан, нарх борасида инсофсиз рақобатни келтириб чиқаради, бунинг оқибатида аудиторлик хизматлари сифати ва аудиторлик хулосаларининг ҳаққонийлиги пасаймоқда;

учинчидан, аудиторларни махсус тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг амалдаги тизими юзаки тусга эга бўлиб, профессионал тайёргарликнинг ва аудиторлик хизматлари сифатининг зарурий даражасини, шу жумладан, аудиторлик фаолиятининг халқаро стандартларига мослигини таъминламаяпти, бу эса аудитор касби нуфузининг пасайишига олиб келмоқда;

тўртинчидан, аудиторлик ташкилотлари иши сифатини ташқи назорат қилишнинг самарали тизими мавжуд эмас, бу лицензияловчи органнинг ҳуқуқий таъсир чоралари чеклангани шароитида сифатсиз аудиторлик хизматларини кўрсатиш ҳолларига ва аудиторларнинг инсофсиз хатти-ҳаракатларига нисбатан тезкор чора кўриш имконини бермаяпти;

бешинчидан, аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари умумэтироф этилган халқаро аудит стандартларига тўлиқ мос эмас, бу эса хорижий инвесторларда маҳаллий корхоналар молиявий ҳисоботларининг ҳаққонийлигини тушуниш кўникмасининг шаклланишини таъминламаяпти.

Аудиторлик хизматлари бозорининг ривожланиши учун шароитларни янада яхшилаш ва аудиторлик фаолиятини тартибга солишда халқаро стандартларга мувофиқ замонавий ёндашувларни жорий этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси молия вазири Д.А.Қўчқоров аудиторлик фаолиятини ривожлантиришнинг қуйидаги устувор йўналишларини амалга оширишни таъминласин:

аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, шу жумладан, халқаро стандартлар асосида, аудиторлик хизматлари сифатини оширишга ва ишбилармонлар ҳамжамиятининг аудиторлик ташкилотлари иши натижаларига ишончини қўллаб-қувватлашга қаратилган аудиторлик ташкилотлари иши сифатини ташқи назорат қилишнинг таъсирчан тизимини шакллантириш;

ёшларни аудиторлик касбига жалб этиш, хусусан, профессионал жамоат бирлашмаларининг тегишли олий таълим муассасалари билан фаол ҳамкорлигини таъминлаш;

аудиторлик ташкилотларининг халқаро аудиторлик тармоқларига жалб этилганлик даражасини ошириш, шу жумладан, аудиторлик ташкилотларини, аудиторларни аудитнинг халқаро стандартларини қўллаш масалаларида фаол услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни ташкил этиш;

аудиторлар республика жамоат бирлашмаларининг халқаро аудит стандартларини белгиловчи халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, ушбу стандартларни қўллаш соҳасида жаҳоннинг илғор тажрибасини оммалаштириш бўйича фаолиятини фаоллаштириш.

2. Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (В.Пак), Адлия вазирлиги (Н.Жўраев), Иқтисодиёт вазирлиги (М.Мирзаев), Давлат солиқ қўмитаси (Б.Мусаев), Тошкент молия институти (У.Азизов) ва аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари раҳбарлари зиммасига Чора-тадбирлар режасининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

3. 2019 йилнинг 1 январидан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

тижорат ташкилоти, агар у ҳақдаги ахборот Тадбиркорлик субъектларининг ягона давлат реестрига киритилган санадан бошлаб уч ой давомида аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган аудиторлик ташкилотлари реестрига

киритилмаган бўлса, ўз номида “аудиторлик ташкилоти” сўзларидан фойдаланишга ҳақли эмас;

аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензия лицензиатга барча турдаги аудиторлик текширувларини ўтказиш ҳуқуқини беради;

аудиторлик ташкилотининг устав капитали аудиторлик ташкилоти фаолиятини амалга оширишда бевосита фойдаланиладиган мол-мулкдан, шу жумладан, пул маблағларидан шакллантирилади;

аудиторлик ташкилоти асосий иш жойи ҳисобланган аудиторларнинг энг кам сони камида тўрт нафар штатдаги аудитордан иборат бўлади;

айнан битта хўжалик юритувчи субъектнинг аудиторлик текшируви кетма-кет етти йилдан ортиқ бўлмаган муддатда ўтказилади;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари билан биргаликда ҳар уч йилда камида бир марта аудиторлик ташкилотлари ишининг сифати ташқи назоратдан ўтказилади;

аудиторлик ташкилотлари ўзларининг веб-сайтларида ёки аудиторлар жамоат бирлашмаларининг веб-сайтларида ўтказилган мажбурий аудиторлик текширувлари тўғрисидаги ахборотни хўжалик юритувчи субъектнинг идентификация маълумотларини ва аудиторлик ҳулосасини кўрсатган ҳолда эълон қилади.

Фаолият юритаётган аудиторлик ташкилотлари 2019 йилнинг 1 апрелига қадар мазкур қарорда белгиланган штатдаги аудиторларнинг энг кам сони тўлиқ тўлдирилишини таъминласин.

4. 2019 йил 1 январдан:

аудиторлик ташкилотлари устав капиталининг энг кам миқдорига доир;

аудиторлик ташкилотлари раҳбарларининг аттестациядан ўтиши бўйича;

устав капиталида давлат акциялари (улушлари) тўплами 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудитни ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган рўйхат ичидан танлов асосида танлаш тўғрисидаги талаблар бекор қилинсин.

5. Белгилансинки, 2020 йил 1 январдан:

а) ҳисобот йили якуни бўйича қуйидаги шартлардан бир вақтнинг ўзида иккитасига жавоб берган тижорат ташкилотлари ҳам ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши лозим:

активларнинг баланс қиймати энг кам иш ҳақининг 100 минг баробар миқдоридан ортиқ бўлса;

маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушум энг кам иш ҳақининг 200 минг баробар миқдоридан ортиқ бўлса;

ходимларнинг ўртача йиллик сони 100 кишидан ортиқ бўлса;

б) аудиторлик ташкилотлари аудиторлик фаолиятини фақат Халқаро бухгалтерлар федерацияси томонидан нашр этиладиган халқаро аудит стандартлари асосида амалга оширади;

в) мажбурий аудиторлик текширувларини ўтказувчи аудиторлик ташкилотлари иши сифатининг ташқи назорати натижалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг веб-сайтида эълон қилинади.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Бухгалтерия ҳисоби ва аудит услубиёти бошқармаси таркибида тўртта штат бирлигидан иборат профессионал ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ва аудиторлик ташкилотлари иши сифатини ташқи назоратдан ўтказиш бўлими ташкил этилсин, шунга мос равишда вазирлик марказий аппарати бошқарув ходимларининг чекланган сони оширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2019 йилнинг 1 июлига қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бухгалтерлар ва аудиторлар жамоат бирлашмаларини Молия вазирлигида аккредитациядан ўтказиш тартибини жорий этиш ва аудиторлик фаолиятини лицензиялашни бекор қилган ҳолда аудиторлик ташкилотларининг аккредитациядан ўтган жамоат бирлашмаларига мажбурий аъзолигини белгилаш бўйича таклифларни киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва аудиторлар республика жамоат бирлашмаларининг куйидагиларни назарда тутувчи таклифлари маъқуллансин:

аудитор малака сертификатини дастлаб беш йиллик муддатга бериш, навбатдаги муддатини ўн йилга узайтириш ва ундан кейин муддатсиз даврга бериш;

халқаро бухгалтер сертификати мавжуд бўлганда аудитор малака сертификатини беришни ва амал қилиш муддатини узайтиришни, шунингдек, 10 йилдан кам бўлмаган узлуксиз аудитор иш стажи мавжуд бўлганда аудитор малака сертификатининг амал қилишини муддатсиз даврга узайтиришни малака имтиҳонини топширмасдан амалга ошириш;

“бухгалтерия ҳисоби” ва “аудит” мутахассисликлари бўйича магистр дипломига эга бўлган аудитор малака сертификатини олишга талабгорлар учун аудиторлик ташкилотда бир йилдан кам бўлмаган амалий иш стажига (шу жумладан, ўриндошлик асосида) эга бўлиш талабини ўрнатиш;

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси куйидагиларни таъминласин:

а) ҳар йили 1 июлга қадар мажбурий аудиторлик текширувидан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар тўғрисида куйидаги ахборотни ўз веб-сайтида жойлаштириш:

хўжалик юритувчи субъектнинг идентификация маълумотлари (солиқ тўловчининг номи ва идентификация рақами);

аудиторлик ташкилотининг идентификация маълумотлари (номи, аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензиянинг санаси ва рақами);

аудиторлик хулосасининг нусхаси;

б) мажбурий аудиторлик текширувини ўтказмаган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан ўз вақтида чоралар кўриш;

в) куйидагилар бўйича маълумотлар базасини шакллантириш:

мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши шарт бўлган хўжалик юритувчи субъектлар тўғрисида;

мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бўйин товлаган хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг мансабдор шахсларига нисбатан қўлланилган молиявий санкциялар тўғрисида.

9. Тошкент молия институти Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасидаги халқаро амалиётни ўрганиш асосида:

2018/2019 ўқув йили давомида бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасидаги ўқув режалари ва дастурларининг бажарилишини комплекс таҳлил ва мониторинг қилсин ҳамда уларни янада такомиллаштириш ва ўқитишнинг инновацион усуллари жорий этиш чораларини кўрсин;

бухгалтерия ҳисоби ва аудит йўналишлари бўйича ўқув режа ва дастурларига халқаро аудит стандартлари ва халқаро молиявий ҳисобот стандартлари бўйича фанларни киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

а) аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган аудиторлик ташкилотлари реестрини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг маълумотлар базаси билан таққослаш орқали тадбиркорлик субъектлари томонидан ўз фирма номида “аудиторлик ташкилоти” сўз бирикмасидан фойдаланишнинг қонунийлигини ўрганиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилишини таъминласин;

б) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2019 йилнинг 1 апрелига қадар муддатда аудиторлик ташкилотлари ҳамда бухгалтерлар ва аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари билан ўзаро электрон ҳамкорликка мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг “Аудит” дастурий мажмуасини ишлаб чиқишни таъминласин;

в) манфаатдор вазирлик ва идоралар, аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари билан биргаликда 2019 йилнинг 1 январига қадар муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига куйидагилар бўйича таклифлар киритсин:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш учун халқаро аудит стандартларининг ўз вақтида тан олиншини таъминлаш мақсадида Халқаро бухгалтерлар федерацияси билан халқаро аудит стандартларини маҳаллий амалиётга имплементация қилиш масалалари бўйича ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш;

аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик чораларини кучайтириш;

г) 2019 йилнинг 1 январигача фаолият юритаётган ва мазкур қарор талабларига жавоб берадиган аудиторлик ташкилотларига янги намунадаги аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензиялар беришни таъминласин;

д) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда 2019 йилнинг 1 апрелидан кейин мазкур қарор талабларига жавоб бермайдиган аудиторлик ташкилотлари лицензияларининг амал қилишини белгиланган тартибда тугатиш чораларини кўрсин;

е) Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Д.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 19 сентябрь

**ЖИНОЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА,
ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ВА ОММАВИЙ ҚИРҒИН ҚУРОЛИНИ
ТАРҚАТИШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА
ИДОРАЛАРАРО КОМИССИЯНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 майдаги “Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5446-сон Фармонига мувофиқ, шунингдек, республиканинг молиявий тизимини янада мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимининг умумқабул қилинган халқаро нормалар ва андозаларга мувофиқлигини таъминлаш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки:

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш Евроосиё гуруҳига аъзо давлатларнинг ўзаро баҳолашнинг иккинчи босқичини ўтказиш режасига мувофиқ 2019-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимини ўзаро баҳолаш режалаштирилган;

ўзаро баҳолашнинг иккинчи босқичи муваффақиятли ўтиши ва Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чоралар ишлаб чиқувчи гуруҳнинг (кейинги ўринларда ФАТФ деб юритилади) тавсиялари

ижросини таъминлаш мақсадида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашишда иштирок этувчи вазирлик ва идоралар иштирокида хавфларни миллий даражада баҳолаш ўтказилмоқда.

2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг **Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича идоралараро комиссия**ни (кейинги ўринларда – Комиссия) 1-иловага мувофиқ таркибда ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти (кейинги ўринларда – Департамент) Комиссиянинг ишчи органи ҳисобланади.

4. Қуйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ хавфларни баҳолаш бўйича самарали ишларни ташкил этиш, шунингдек, унинг асосида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимини янада ривожлантиришга ва мустақамлашга оид таклифлар ишлаб чиқиш ва чоралар қўриш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

ФАТФ тавсияларидаги талабларни ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига имплементация қилишни таъминлаш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш, мазкур соҳадаги ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.

5. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича идоралараро комиссия тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Қуйидагилар зиммасига жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ хавфларни миллий даражада баҳолашни самарали ташкил этиш ва ўтказиш учун шахсий жавобгарлик юклансин:

а) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раисининг ўринбосари Ш.Х.Атабаевга – тижорат банклари ва кредит ташкилотлари, шунингдек, қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар хавфлари бўйича;

б) Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринбосари В.Ю.Пакка – лизинг хизматларини ва лотереялар ташкил этишни амалга оширувчи ташкилотлар, аудиторлик ташкилотлари, суғурталовчилар ва суғурта воситачилари хавфлари бўйича;

в) Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг ўринбосари Ж.Б.Юнусовга – биржа ва риэлторлик ташкилотлари хавфлари бўйича;

г) Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг ўринбосари А.Ж.Ташкуловга – нотариал идоралар, адвокатлик тузилмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар хавфлари бўйича;

д) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг ўринбосари Б.А.Олматовга – почта алоқаси оператори ва провайдерлари хавфлари бўйича;

е) Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази бош директорининг ўринбосари Ф.М.Каримовга – қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари хавфлари бўйича.

7. Департамент бошлиғи вазифасини бажарувчи – Комиссия раиси ўринбосари Д.Ф.Рахимов жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ хавфларни миллий даражада баҳолаш юзасидан умумлаштирилган ҳисоботни тайёрлаш учун масъул этиб белгилансин.

8. Департамент манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, шунингдек, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш фаолиятига жалб қилинган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг ходимларини ўқитиш ҳамда уларнинг малакасини ошириш чораларини кўрсин;

икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В.Махмудов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2018 йил 20 сентябрь

2019-2021 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ Тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони

Илм-фан ва техника ютуқларини кенг қўллаган ҳолда иқтисодиёт тармоқларига, ижтимоий ва бошқа соҳаларга замонавий инновацион технологияларни тезкор жорий этиш Ўзбекистон Республикаси жадал ривожланишининг муҳим шарт ҳисобланади.

Жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳалари шиддат билан ривожланаётгани ислохотларни мамлакатимизнинг жаҳон цивилизацияси етакчилари қаторига кириш йўлида тез ва сифатли илгариллашни таъминлайдиган замонавий инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларга асосланган ҳолда амалга оширишни тақозо этади.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлил ишлаб чиқаришни модернизация, диверсификация қилиш, унинг ҳажмини ошириш ҳамда ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар турларини кенгайтириш борасидаги ишлар лозим даражада олиб борилмаётганини кўрсатди.

Хусусан, бу борада кўплаб кўрсаткичларнинг мавжуд эмаслиги ва ишлар самарали мувофиқлаштирилмагани сабабли мамлакатимиз сўнгги йилларда нуфузли ва обрўли халқаро тузилмалар томонидан тузиладиган Глобал инновацион индекс рейтингида иштирок этмаяпти.

Иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа тармоқларининг илмий муассасалар билан ўзаро ҳамкорлиги даражаси пастлиги, вазирлик ва идоралар, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг инновацион ривожланиш соҳасидаги фаолияти лозим даражада мувофиқлаштирилмаётгани бу борадаги биринчи навбатдаги мақсадлар ва вазифаларга эришиш имконини бермаяпти.

Жаҳон фанининг замонавий ютуқлари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар асосида мамлакатни жадал ривожлантириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши

бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларнинг ижросини изчил таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси(кейинги ўринларда Стратегия деб юритилади)1-иловага мувофиқ;

2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” (кейинги ўринларда – “Йўл харитаси”) 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасини 2030 йилгача инновацион ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари (кейинги ўринларда – мақсадли кўрсаткичлар) 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки:

а) мамлакатнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлилиги даражасини ва инновацион жиҳатдан тараққий этганини белгиловчи асосий омил сифатида инсон капиталини ривожлантириш – Стратегиянинг бош мақсадидир;

б) бош мақсадга эришишда Стратегиянинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга келиб Глобал инновацион индекс рейтинги бўйича жаҳоннинг 50 илғор мамлакати қаторига киришига эришиш;

барча даражада таълим сифати ва қамровини ошириш, узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш тизимининг иқтисодий эҳтиёжларига мослашувчанлигини таъминлаш;

илмий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва самарадорлигини ошириш, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишлар натижаларини кенг жорий этиш учун таълим, илм-фан ва тадбиркорликни интеграция қилишнинг таъсирчан механизмларини яратиш;

инновациялар, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишларга давлат ва хусусий маблағлар киритилишини кучайтириш, бу соҳалардаги тадбирларни молиялаштиришнинг замонавий ва самарали шаклларини жорий этиш;

бошқарувнинг замонавий усуллари ва воситаларини жорий этиш орқали давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш;

мулкчилик ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш, рақобатбардош бозорлар ташкил этиш ва бизнес юритиш учун тенг шарт-шароитлар яратиш, давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш;

барқарор фаолият юритадиган ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани яратиш.

3. 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича комиссия (кейинги ўринларда – Комиссия) 4-иловага мувофиқ тузилсин.

4. Комиссия (А.Н.Арипов):

Стратегияни амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари сифатли ишлаб чиқилишини ва белгиланган тартибда киритилишини таъминласин;

Стратегияни амалга ошириш доирасида оммавий ахборот воситалари, илмий доиралар вакиллари ва хорижий экспертларни, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари вакилларини жалб этган ҳолда учрашувлар, семинарлар, давра суҳбатлари ва матбуот анжуманларини, шу жумладан, жойларда ташкил этсин;

ушбу Фармон ижросининг бориши тўғрисидаги батафсил ахборотни ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиб борсин.

5. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси бўлинмалари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекслари раҳбарлари – вазирлик ва идораларнинг Стратегияда ва “Йўл харитаси”да назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш бўйича фаолиятини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, мақсадли кўрсаткичларга эришиш, шунингдек, улар ижроси боришини ҳар чоракда муҳокама қилиш учун;

вазирлик ва идоралар раҳбарлари – илмий-таълим муассасалари, нодавлат ноижорат ташкилотлари вакилларини, мустақил экспертларни (консультантларни), шу жумладан, хорижий мамлакатлардан кенг жалб этган ҳолда Стратегияда ва “Йўл харитаси”да назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши, мақсадли кўрсаткичларга эришилиши учун;

давлат илмий-таълим муассасалари раҳбарлари – Стратегияда ва “Йўл харитаси”да назарда тутилган тадбирларни илмий-тадқиқот жиҳатидан қўллаб-қувватлаш, вазирлик ва идораларга мақсадли кўрсаткичларга эришиш учун илмий тақдимотлар ва маърузалар, таҳлилий материаллар тайёрлашда ҳар томонлама кўмаклашиш учун;

махаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари – вазиятни ҳақиқий ва сифатли ўзгартириш учун муносиб шароитлар яратиш, фуқароларнинг долзарб муаммоларини ҳал этиш, ҳудудларни ва уларнинг ижтимоий инфратузилмасини Стратегияда ва “Йўл харитаси”да назарда тутилган тадбирлар билан узвий боғлиқ ҳолда ривожлантириш, шунингдек, вазирлик ва идоралар билан ўзаро келишилган ҳолда жойларда мақсадли кўрсаткичларга эришиш чораларини кўриш учун шахсий жавобгарлик белгилаб қўйилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси ҳар йили Глобал инновацион индекс рейтингига киритилиши учун халқаро ташкилотларга зарур маълумотлар ва кўрсаткичларни мунтазам юборилишини таъминласин.

7. Вазирлик ва идоралар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекслари раҳбарлари билан келишилган ҳолда бир ой муддатда мақсадли кўрсаткичларга эришиш бўйича ўзаро боғлиқ ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, ташкилий ва техник чора-тадбирларни назарда тутадиган 3 йилга мўлжалланган ривожланиш дастурларини тасдиқласин, кейинчалик 3 йилга мўлжалланган янги ривожланиш дастурларини қабул қилсин.

8. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги оммавий ахборот воситаларида ушбу Фармоннинг мақсад ҳамда вазифаларини кенг ёритиш бўйича чиқишлар ва мавзуга оид кўрсатувларни мунтазам ташкил этсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг раиси С.Р.Холмуродов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 21 сентябрь

ТЕЖАМКОРЛИК – ОИЛА ФАРОВОНЛИГИНИНГ АСОСИ.

1. Мустаҳкам оила – юрт таянчи

Оила деб аталмиш муқаддас Ватанда истиқомат қилувчи ҳар бир инсон оила фаровонлиги учун ҳаракат қилмоғи керак. Қолаверса, ҳар ким яшаш учун курашади. Меҳнат қилиб, моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қилади. Демак, оила иқтисоди — уй-рўзгор юритиш ҳақидаги билим, кўникма ва малакалар йиғиндисидан

иборат. Абдулла Авлоний таърифига кўра, «иктисод деб, пул ва мол каби неъматларнинг қадрини билмакни айтиладур». Пулу давлати кўп бўлган инсон бой эмас, балки иқтисодчи инсон бой ҳисобланади. Оила иқтисодини шакллантиришда, бошқариш ва назорат қилишда унинг ҳар бир оила аъзосининг ўз ўрни бор.

Пул, аввал таъкидлаганимиздек, ҳалол, пок йўл билан қилинган меҳнат эвазига топилмоғи зарур. Ўғрилиқ, пора, алдамчилик, қаллоблик билан орттирилган бойлик ҳаром саналади. Шунинг учун оила иқтисодига қўшиладиган ҳисса ҳалол бўлмоғи лозим. Ҳалол билан ҳаромни фарқлай билишни эса бола онгига ёшлиқдан сингдириб бориш керак. Одатда, ўзбек хонадонларида оиланинг моддий таъминоти эркак зиммасида бўлади. Оила жамғармасини тежамкорлик билан ўз ўрнида сарфлаш, исрофгарчиликка йўл қўймасдан, оилада қут- барака бўлишини таъминлаш аёлнинг вазифаси. Шунинг учун хонадоннинг бой, тўк, фаровон турмуши, эр-хотиннинг тежамкорлик одобидан хабардорлигига ҳам боғлиқ. Оила фаровонлигини таъмин этиш билан унда камолга етаётган фарзандларнинг келгусида моддий фаровон турмушига асос солиш мумкин. Бу эса ўз навбатида, давлат ва жамият бойлиги учун замин яратади.

Инсондан пул, молу дунё топиш учун бор ақлни, ундан оқилна фойдаланиш эса ўн марга оргиқ ақлни талаб этади. Шунинг учун оила иқтисодига ўта масъулият билан муносабатда бўлмоқ лозим.

Оила иқтисодини режалаштирмасдан туриб, мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиётига муносиб улуш қўшиш мумкин эмас. Аксарият ўзбек оилаларида даромад, кундалиқ эҳтиёжларнинг сарф-харажатлари, ҳар бир киши учун йиллик озиқ-овқат маҳсулотлари режалаштириб ўтирилмайди. Лекин ота-боболаримизнинг рўзғор юритиш тажрибаларидан келиб чиқилса, бу нарса оила иқтисодини режалаштиришдан бошланмоғи зарур. Халқимизда «Режали иш бузилмас», «Маслаҳатли тўй тарқамас», «Режасиз иш — қолипсиз ғишт» каби мақоллар бор. Бу ишни ҳар бир киши олдиндан пухта ўйлаб, режа асосида қилмоғи зарур, деган маънони беради. Албатга, оила иқтисодида жамғарманинг роли катга. Оилада қанча даромад, қанча харажат кутилаётганлиги жамғармадан келиб чиққан ҳолда ҳисоб-китоб қилинади.

Оиланинг моддий бақувватлиги даромадни моҳирона кўпайтиришга ва рўзғор юритишни оқилна ташкил этишга боғлиқ. Шу боис тежамкорлик азалдан оила фаровонлигини таъминловчи муҳим моддий-маънавий қадрият ҳисобланиб келади. Тежамкорлик асло ҳасислик ёки зикналик эмас, унинг мазмун-моҳияти оила маблағини авайлаб-асраш, тежаб сарфлашни тақозо этади. Айни пайтда бозор иқтисодиёти ҳар бир кишидан тежамкорликни талаб этмоқца. Оиладаги нарсаларни тежаш билан инсон жамият, давлат бойликларини, мол-мулкни авайлаб асрайди. Бу фазилат ҳозирги замон кишиси учун ҳаётий эҳтиёж, маънавий етуқлик мезони.

«Бу ишлаб турган корхона, станок – меники, мен уларнинг эгасиман» деган тушунчалар киши онгига қўрғошиндек мустаҳкам муҳрланиб қолиши, ўз-ўзидан унинг оилада, иш ўрнида, атроф-муҳитда тежамкор бўлишига олиб келади. Мустақиллик шарофати билан уй-жой, корхона ва ташкилотларни хусусийлаштириш, хусусий корхоналар ташкил этишга, тадбиркорликка кенг йўл берилганлиги, қишлоқ хўжалигида оила пудрати, деҳқон хўжалиги, фермерлик фаолиятига таяниб иш юритилаётганлиги ҳар бир фуқаро онгида бундай тушунчаларни шакллантиришга қаратилган саъй-ҳаракат. Қолаверса, халқимиз «Кўрпанга кдраб оёқ узат, тежоғли уй – бежоғли»-деб бекорга айтмаган.

Эҳтиёж имкониятга қараб қондирилади. Баъзи оилаларда бу қоидага амал қилмаслик, иқтисодда режасизлик, исрофгарчиликка йўл қўйилиши оқибатида топилган бойликнинг баракаси ҳрм бўлмайди. Суви қочган нонни кесиб қуритиш ўрнига молга бериш, ҳатто ахлатга ташлаш, таомни меъёрида, одам сонига қараб тайёрламаслик, аёллар ва қизларнинг бозорда янги пайдо бўлган матони, албатта, сотиб олиб, кийим тиктириб кийишга ҳаддан ташқари қизиқишлари, янги келиннинг ота-она, қайнона-қайнота қилган 50-60 та сарпосини кийиб улгурмасдан, янгиларига кўз тикиши, мода кетидан қувиши, ўз бойлигини кўз-кўз қилиш мақсадида ўғил уйлантираётганида ёки қизини турмушга чиқараётганида кўп мол-дунё, меъёридан ортиқ рўзғор буюмлари ҳадя этиш, қудалар ўртасидаги беҳуда расм-русумлар, тўй-маъракалар ва оилавий тантаналарни оргиқча сарф-

харажатлар билан ўтказиш оила иқтисодиётига зарар етказиб, баъзида уни қарзга ботириб қўйиши билан катга кўнгилсизликларга олиб келади.

Тўй ёки мотам маросимларини ўтказишдан мақсад ўзининг нимага қадричилигини халққа кўз-кўз қилиш эмас, балки ўз хурсандчилигини ёки хафагарчилигини дўсту биродарлари билан баҳам қўриб, оламдан ўтганлар руҳини хотирлашдан иборат. Отанани тирикчилигида йўқлаш, ёрдам бериш, мушкулотларини енгиллаштириши зарур. Улар оламдан ўтганларидан кейин эса уларнинг руҳларини шод этиш мақсадида турли хил урф-одатларни ўйлаб чиқаришдан фойда йўқ. Бу сохта обрў орттиришдан ўзга нарса эмас.

Оиланинг ҳар бир аъзоси бору йўққа қаноат қилишга ўрганиши керак. Меҳнатга ҳалол ва тўғри ёндашиш, ўз касбини севиши ва у орқали оиладаги даромадга шукр қилиши ҳам оилани мустаҳкамлайди.

2. Тежамкорлик оилангиз ютуғи

Пул топиш осон, аммо уни тўғри сарфлаш жудаям қийин! Бу сўзларни ўқиб исрофгарчилик ҳақида ўйладингизми, демак, адашмадингиз. Исрофгарчилик ҳамма нарсага нисбатан бўлиши мумкин.

Табиат неъматларига нисбатан, инсонларга нисбатан, ҳаттоки ўз меҳнатингизга нисбатан ҳам...

Ортиқча исрофгарчилик, узоқ йиллар тер тўкиб топилган пулларни бир кунлик тўй хашам ва одамларнинг гап-сўзлари учун сарфлаш бу ўзингизнинг ҳамда меҳнатингизнинг қадрини билмаслигингиз, ўзингизга қилган бешафқатлигингиздан бошқа нарса эмас. Тома-тома кўл бўлур, томмай қолса чўл бўлур, деганларидек, тўғри сарф харажат ва оилавий бюджетнинг тўғри йўлга қўйилганлиги шу оилага катта ютуқларни олиб келиши мумкин.

Хўш, сиз оилангиз бюджетини қандай шакллантиргансиз? Уйингизга бир ой давомида атиги бир маротаба келадиган маблағни нималарга сарфлашни билмаётгандирсиз. Турмуш ўртоғингиз қийналиб топаётган пулга нималарни режа қиляпсиз? Балки унга қимматбаҳо телефон, пўрим кийим, бир ойлик интернет мегабайтлари олмоқчидирсиз. Тежамкорлик меҳнат билан чамбарчас боғлиқ.

Оилада олтита фарзандни дунёга келтириб, барчасининг жамиятда ўз ўрнига эга бўлиб, фаровон яшашига муносиб тарбия бера олган онахон Ирисой Раҳимованинг ҳаёт йўли ҳақида сўраганимизда, “Бизнинг давримизда бундай шароитлар йўқ эди. Бундай имкониятларни тасаввур ҳам қилолмасдик. Эрталаб уйғониб бомдоддан сўнг сигир соғиб, нон ёпардим. У замонлар ширинлик, мева-чевалар бозорларда бўлмас, бўлганда ҳам жуда қиммат бўларди. Шу сабабдан фарзандларим учун сутли кулча, холвайтар, сомса, патир, қатлама пишириб қўярдим. Кейин далага чиқардик, ўзимиз пиширган нонни белимизга туғиб, далада кун узоғи меҳнат қилардик. Фарзандларимни ҳам ёшлигиданоқ меҳнатга солганман. Кенг ҳовлимизда товук, куён, сигир, қўй бўларди. 15 сотихга яқин томорқамиздан чиққан ҳосилга деярли йил бўйи яшар эдик. Энг ёмон кўрганим, исрофгарчилик эди. Рўзғорда ҳеч нарсани ташлаб юбормас эдик. Овқатдан чиққан сабзавот пўчоқларини қайнатиб товукларга юмшоққина озуқа қилардик. Дон ҳам қиммат ҳамиша бозорда ҳам бўлавермасди. Шу пайтлар меҳнатимиз туфайли бўш вақтимиз бўлмаган, умрим бўйи фарзандларимни ҳалол луқма, меҳнат эвазига улғайтирдим. Эсимда, катта қизимни турмушга бераётиб одмигина тўй қилиб бердик, биз қўлимиздан келганини қилдик, қолган камингни Худо тўлдирсин, пешонангга берсин, қизим дея отаси иккимиз оқ фотиҳа берган эдик. Опасининг тўйи ўтгач қолган қизларим ҳам оқ фотиҳамизни олиб, бирин-кетин узатилди. Ҳозирда фарзандларимнинг ҳаммаси жамиятда ўз ўрнига эга бўлишган”, — дейди юзида шукроналик билан. Ҳақиқатдан ҳам онахон вояга етказган фарзандлари, қизлари ўқимишли, тадбирли инсонлар. Уларни кўриб оила бюджетини тўғри шакллантириш, энг аввало, тадбирли, тежамкор бўлиш, аниқ мақсадни ўз олдига қўя билишда эканини тушунгандай бўламан.

Бугун ҳамма шароитлар бор, бозор расталарида ноз-неъматлар бис ёр. Ҳар қадамда нонвойхоналарда тандирдан эндигина узилган нонлар мухайё бўлса, ҳеч қайси аёл (ҳатто уй бекаси бўлса ҳам) юз-кўзларини, қош киприкларини куйдириб, нон ёпгиси келмаса

керак. Оддий мисол: илгари тўй-маъракалар бўладиган хонадонда кўни-кўшни, хотин-қизлар ҳашар қилиб дастурхонга қўйиладиган пиширикларни тайёрлашган. Бундай пайтда ҳамма ўзининг пазандалик маҳоратини кўрсатган. Уйда тайёрланган егуликлар сифатли, ишонч ли бўлади. Кейинги пайт ларда маросимларга бозордан пишириклар сотиб олиб борадиганлар кўпайиб борапти. Бу ҳолат аёлларнинг ўта бандлигидан эмас. Эътибор қилсангиз, рўзғорнинг камини эпчилиги билан тўлдиришга хоҳиш ва ҳаракати бўлмаганлар соатлаб экранга термилиб, турли сериалларни томоша қиладилар. Тайёргина нарсани йўл-йўлакай сотиб олиб, маросимга борган аёлнинг қизлари ҳам шунга одатланишади. У замонлар ўтиб кетди, дерсиз. Аммо шундай аёллар борки, улар оила бюджетини муносиб йўлга қўйганлар.

Шундай аёллардан бири Қумқўрғон туманида яшовчи чевар Гулчехра Йўлдошевадир.

— Турмуш ўртоғим ҳайдовчилик қиладилар, мен эса уйда чеварлик қиламан, — дейди Гулчехра опа. — Ҳунарим туфайли ойига оиламизга 4 миллиондан ошиқ маблағ кириб бўлади. Турмуш ўртоғим кунлик озиқ-овқатлар ва зарур нарсалар учун пул сарфласалар, мен топган пулларни йиғиб, ҳамма қулайликлари бор уй куриб битказдик. Ҳали янаям катта режаларни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз, мақсадимизга эришишимизда кунлик ҳаражатларимизни ҳисоб-китоб қиламиз, келишган ҳолда режа асосида иш кўрамиз. Эндиликда шу уйимизнинг бир қисмини тикувчилик цехи учун ажратмоқчимиз.

Ҳикоя қилаётган қаҳрамонимиз 28 ёшда. У тадбирли ва меҳнатсеварлиги билан фаровон ҳаётга эришган.

Бундай ҳаётий мисолларни яна кўплаб келтиришимиз мумкин-у.., аммо айна масалада жиддий ўйлаб кўриш керак бўлган ҳолатлар ҳам оз эмас. Ҳар бир оилада унинг аъзолари тежамкорликка алоҳида эътибор қаратиши лозим. Зеро, айнан тежамкорлик оила фаровонлигини яратишнинг муҳим шарти, ўзига хос маънавий-ахлоқий қадрият саналади. Оиладаги тежамкорлик — бу “ҳасислик ёки зиқналик эмас, балки унинг мазмунида оила маблағини қаттиқ назорат қилиш, ҳалол меҳнат эвазига келган пул ва рўзғор анжом-ашёлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечакларни кадрлаш, асраб-авайлаш, нафсни идора этиш, бойлик орқасидан бўладиган манманликдан ўзини тийиш, ҳар бир нарсадан унумли фойдалана билиш маҳоратига эга бўлиш демакдир.

Муқаддас динимизда ҳам исрофгарчилик жуда қаттиқ қораланган ва ундан қайтарилган. Исрофгарчиликнинг зарарлари хусусида Аллоҳ таоло **Қуръони каримнинг “Аъроф” сураси, 31-оятда: “Еб ичинлар ва лекин исроф қилманглар. Чунки У исроф қилгувчиларни севмас”**, — деган. Исроф ва тежамкорлик иккиси ҳаминиша ёнма-ён юривчи тушунчалардир. Тежамкорлик фаровон турмуш гарови. Бир сўз билан айтганда, тежамкорлик ҳаддан ошмаслик, шукроналик аломатидир. Тежамкорлик билан камбағал оила бой бадавлат оилага айланади. Исроф билан эса бой оила ўзига фақирлик ва хорлик эшикларини очади. Тежамкорлик ҳақида жуда ҳам кўп гапириш мумкин. Жамиятимизда ана шундай тежамкор оилалар кўпайса, шубҳасиз, юртимиз ҳам, унинг равнақи ҳам юксалиб бораверади. Хўш, сиз оилангиз бюджетини муносиб йўлга қўйиш учун нималарни тежаяпсиз?

ТЕЖАМКОР БЎЛ – ХАСИС БЎЛМА, САҲИЙ БЎЛ – ИСРОФ ҚИЛМА...

Ўзбекистон республикаси Президентининг 1998 йил 28 октябрьдаги “Тўй-ҳашамларни, маърака ва маросимларни тартибга солиштўғрисида”ги тарихий Фармони йил ўтган сари ўз аҳамиятини янада тўлароқ намоён этмоқда. Унда жумладан, оилавий тантаналарни ўтказишдаги шухратпрастликка йўл қўйилаётгани рўйи-рост баён этилган бўлиб, Фармондаги фикрлар халқимиз орзу-умидининг ифодаси эди.

Топилган маблағни исроф этмаслик аёллар зиммасида эканлигини баён этувчи бир ривоятни келтириб ўтсак:

Аввалги замонларда яшаган оила раҳбари бўлган эр минг машаққат билан тоғдан ўтин териб келар экан, хотини ўтинларни бир зумда кўни-кўшнилари тарқатиб юборар экан. Эри хотинининг бу ҳунарига чидай олмабди. Бир сафар ўтин йиғиш учун хотинини

хам олиб борибди. Бир амаллаб икки боғ ўтин тўплашибди. Ортмоқлаб кишлоққа келишибди. Аёл машаққатдан қаро терга ботибди. Роса чарчабди. Ўтин териб келтириш қанчалик мушкул эканини шундагина англабди. Эртаси куни қўшнилари яна ўтин сўраб келишганда айл:

Эй қўшнилари ўзим териб келган ўтиндан битта ҳам бера олмайман, ўтин керак бўлса мен каби ўзларинг териб келинглар, - дебди

Қиссадан ҳисса шуки, инсон молини ҳар доим бир манфаат йўлида сарфлашни ўз руҳида шакиллантириши лозим. Фойда келтирмаса, йўқолгандай ҳис қилиш ҳам юксак инсонийлик ҳисобланади. Бъази кишилар рўзғорни жуда усталлик билан бошқарадилар. Тежамкорлик уларнинг табиатига ҳуш ёқади. Бу олий табиат учун уйдаги аёл ҳам тежамкор бўлиши, исрофдан сақланиши, шунда оиланинг ривожига сабаб бўлади. Чунки ишлаб топиш эрнинг зиммасида бўлса, исроф қилмасдан сарф этиш хотиннинг зиммасидадир. Шу қоидадан келиб чиқиб, яхши уй бекаси бўлиш учун аёл киши куйидагиларга диққат қилиши лозим бўлади:

Сабзавот-меваларнинг айниб чиқишига йўл қўймаслик.

Овқатларни истеъмолга яроқсизланиб қолишидан сақлаш.

Овқатларни лаззатли қилишга ҳаракат қилиш.

Қотган нонларни ҳам истеъмол қилишни таъминлаш, ортганини аҳлатга ташлаб юборишдан сақланиш, балки уни оилада пазандалик йўллари биланпишириб истеъмол қилишга одатлантириш аёл зиммасидаги бурчдир. Зеро **Ҳадиси шарифларда Пайғамбаримиз (с.а.в)нинг “Нонни эҳтиром қилинглар”**, - деб таълим бердилар.

Оилани кийинтиришда ҳам оила жамғармасига қараб, исрофга йўл қўймай кийинишни таъминлаш. Ҳозирги кунларда кўпроқ янги чиққан урф (мода)нинг изидан қувишга ёшлар қизиқиши зоёдалиги сир эмас. Аслида кийим совиқ-иссиқдан сақлаши, кибр, ман-манликдан узоқ бўлиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Бунга онанинг тарихий ҳикоясини келтиришимиз мумкин:

Адаб китобларида келтирилишича ақлда ва заковатда зарбулмасал бўлган Умома исмли аёл қизига оилани маблағ маҳзини барпо қилувчи бир неча пурҳикмат сўзлардан намуна келтирсак:

Насихатларни бирида: **“Қаноатли бўл, чунки қаноат қалбга ҳузур бағишлайди”**.

Она бубилан ўз қизига очкўзлик, ман-манлик, кибру ҳаволик, ҳойи ҳавасни тўсувчи сўз билан оила бой бўлганда ҳам, камчилик бўлганда ҳам қаноат билан сарф қилишни ўргатмоқда. Эр бой бўлса бор нарсани исроф қилмасликка қаноат қилишликни айтаётган бўлса, йўқчиликда бориға қаноат қилишликни тавсия қилмоқда. Чунки, қаноат – инсон муҳтож нарсаларнинг етарли миқдорига рози бўлиши, очкўзлик қилмаслиги, қаноат – нафақат эру хотинга, балки барчага баробар тааллуқли гўзал ахлоқли қоида эканлиги ҳамма замонда эътироф этилган.

Ҳадиси шарифда айтиладики: “Нафснинг кўзи тўймайди.бир пақир олтини бор киши, ох, яна шундай бир пақир олтиним бўлсайди, дейди”.

Қаноатнинг иккинчи шартиса, қўлдаги неъматларни режали харжлаш, исрофдан қаттиқ тийилишликни талаб қилади. Ҳаётда тадбирли кимсалар фарзандларининг тасарруфи учун бошқаларга қарам бўлмайди, бировлар учун хушоматгўйлик қилмайди, ёлғон гапирмайди, хирс ва тамаъ балосига дучор бўлмайди. Шунинг учун ҳам тежамкор бўлишга интилиш керак. Бу ҳақда ҳадиси шарифда: “Тежамкор бўлган киши фақир бўлмайди”, дейилган.

Халқимиз ибораси билан айтадиган бўлсак, агар кўрпага қараб оёқ узатилмаса, керакли-кераксиз нарсаларга пул сарфланаверса, исроф ва ҳаражат эшиги катталашиб бораверади. Исрофгарчилик бор ерда ҳеч қачон бойлик бўлмайди. Ҳалол дунёни топилишишкнга ўхшайдик, катта бир тошни тоғ теппасига олиб чиқиш билан баробар бўлса, исроф қилиб сарфлаш эса тошни тепадан пастга юмалатиб туширишга ўхшатган экан ҳукамоларимиз.

Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ (р.а): **“Бир неча кунга етиши мумкин бўлган озукани бир кунда сарфлаган оила аҳлидан нафратланаман”**, деган эканлар.

Ҳукамолардан бирининг айтишича:

“Пулингга ачин, уни исроф қилма, зеро кўзнинг қуввати қорачиқ билан бўлганидай, инсоннинг ҳаётий қуввати маблағ биландир”, деб тежамкор бўлишни гўзал шаклда тавсия қилган экан.

Фақат шуни ҳам қўшимча қилишимиз керакки, тежамкор бўлман деб керагича еб-ичишдан қисилиб, маблағ тўплаш йўлига кириб кетиш мақсадга мувофиқ эмас, балки ҳасислик дейилади. Ҳасиликка эмас, балки муътадил бўлишликка чақириб: Ўз нафсини бахилликдан сақловчи кишиларни нажот топувчилар деб номлаган. Демак ояти карима мазмуни оиланисрофсиз сарф қилишликка, оилани насибасини қирқмасликка чақирмоқда.

Оилада топилган маблағни исрофсиз тадбир билан сарфлашликка тобеинлардан Хасар Басрий:

“Гўзал тадбир ва гўзал идора ярим фойдадир. Ўз ўрнига ишлатирган озгина пул, исроф қилиб ишлатилган кўп пулга қараганда фойдалидир”, деган эканлар.

Дунёда машхур ҳаким Афлотун:

“Пулни тадбир билан исроф қилмасдан харжлаш ақллиликнинг бошидир”, деб маблағни исрофсиз сарф қилишга тарғиб қилган экан.

Оқила аёл умоманинг насихатларидан яна бири уйдаги жиҳозларни сақлашликка қаратиб шундай дейди:

“Уйингдаги мол-мулк жиҳозларни эҳтиёт қил”.

Исрофгарчиликдан сақланайлик

Аллоҳ таоло Одамни яратгандан сўнг унга турли нозу неъматларни ато этиб, мана шу неъматларнинг шукрини қилишликка буюриб, исрофгарчиликдан қайтарди.

Барча ақли расо, идрокли кишиларга маълум ва маъруфдирким, ҳар қандай ишда ўртаҳоллик, муътадиллик ва меъёр ҳамиша маъқулланиб келинган. Ҳаддан ошишлик, исрофгарчилик, манманлик ва риёкорлик каби иллатлар эса ҳам ақлан ва ҳам шаръан қораланиб, улардан ҳазар қилишга буюрилган.

Аллоҳ таоло Ўзининг каломи Куръони каримда шундай марҳамат қилади:

“Қариндошга, мискин ва йўловчига (хайр-эҳсон қилиш билан) ҳақларини адо этинг ва исрофгарчиликка мутлақо йўл қўйманг! Чунки, исрофгарлар шайтонларнинг биродарларидир. Шайтон эса, Парвардигорига нисбатан ўта ношуқур эди”.

Демак, силаи раҳм, хайр-эҳсон ва турли садақаларни беришда ҳам меъёрдан ташқари ҳаражат қилиш, исрофгарчиликка йўл қўйиш Аллоҳ таоло томонидан ҳам ман этилган.

Мазкур суранинг қуйидаги бошқа бир ояти каримасида шундай марҳамат қилинади:

“(Бахиллик қилиб) кўлингизни бўйнингизга боғлаб ҳам олманг. (Исрофгарчилик қилиш билан) уни бутунлай ёйиб ҳам юборманг! Акс ҳолда, маломат ва маҳрумликда ўтириб қолурсиз”.

Ҳадиси шарифларда ҳам исрофгарчиликдан қайтарилиб, тежамкорликка тарғиб ва ташвиқ этилади. Жумладан:

“Аллоҳнинг нозу неъматларидан хоҳлаганча еб-ичинглар, хайру эҳсон қилинглар, кийиниб ясанинглар, лекин исрофгарчилик ва манманликка йўл қўймангизлар!”

Бошқа бир ҳадиси шарифда эса:

“Бойликда ҳам, фақирликда ҳам, ибодатда ҳам муътадиллик яхшидир” – дейилади.

Тежамкорлик тўғрисида эса Пайғамбаримиз (сав) ҳадисларида шундай марҳамат қилинади:

“Тежамкор одам ҳеч қачон қашшоқлик кўрмайди” – деб таъкидланади.

Хайр-эҳсон ва зиёфат беришдан асосий мақсад муҳтожларга моддий ёрдам кўрсатиш бўлмоғи даркорлиги тўғрисида Расули Ақрам (сав) шундай деганлар:

“Таомларнинг ёмони қорни очлар қолиб, қорни тўқлар чақирилган зиёфатдир”.

Ушбу ҳадис билан биз ҳозирги кундаги ўтказилаётган тўй ва эҳсонларимизнинг ҳолатига назар солсак!

Тўйларимизда аслида бир-икки қорни оч бормаса, фақатгина қорни тўқлар таклиф қилинади. Улар учун қанча мол-дунё сарф қилсангиз билан аслида таомнинг, эҳсоннинг ҳақдорлари қолиб қорни тўқлар еган таомда барака йўқдир. Яқинда бир акамиз эрталаб бўладиган қизининг никоҳ валиймаси деб ном олган ошга 18000 АҚШ доллари кетгани ҳақида гапириб, қизимни бахтли бўлишини ҳоҳлайман деб қолдилар. Аслида шу ва шунга ўхшаш, тўйни дабдаба ва исроф қилиб ўтказган инсонларимизнинг фарзандари қанчалик бахтли ва тинч ҳаёт кечирмоқда?

Бахт ва тинчликни пул билан сотиб олиб бўладими? Тўйлари ниҳоятда дабдаба ва бидъат хурофотлар билан ўтган, ФХДЁ бўлимларининг энг номдорида эру-хотин деб қайд қилинган, никоҳини машҳур уламо ва имом домлаларимиз ўқиган, энг қиммат машиналардан 20-30 таси билан йўлларни банд қилиб сайр қилган ва ниҳоят энг қиммат тўйхонада никоҳ базми деб номланган зиёфатни ўтказиб ким ўзарга ва хўжакўрсинга исроф қилиб тўй қилаётган биродарларимизнинг фарзандлари қанчаси бахтли ҳаёт кечирмоқда, тинч тотув яшамоқда ёки қанчаси ажрашиб, судда мол талашмоқда?

Хўш, харажати ва исрофи кўп тўй, келин-куёвнинг бахтли бўлишлигига ва тинч тотув яшашига кафолатми?..

Ҳамма нарса пул ва моддий эҳтиёж билан боғлиқми? Келин ўз ҳақ-ҳуқуқларини, келинлик ибодати ва ҳаёси, диний ва дунёвий илми борми? Қайнота, қайнона ва куёвнинг барча қариндошларининг ҳурмати ва иззатини биладими?

Худди шунингдек куёв ҳам, ўз ҳақ-ҳуқуқларини, эрлик масъулиятлари, келиннинг нафақаси ва барча эҳтиёжлари учун у масъул эканини биладими? Қайнота, қайнона ва келиннинг барча қариндошларининг ҳурмати ва иззатини биладими?

Юқоридаги мисолимиздаги ўз қизининг оши учун пулини сарфлаб қорни тўқларни чақириб зиёфат ёки ўз тили билан айтганда ноҳор оши қилиб, 18000 АҚШ доллар кетган акамиз ва ўзи бир камбағал, ёрдамга муҳтож лекин икки норасида боласи билан қийналиб турган ногирон кўшнисига 2000 сўмга 4 дона иссиқ нон олиб уларнинг ҳолидан ҳабар олган бир мусулмон амакини бир кўз олдингизга келтириб кўринг.

Икки етим бола олиб борилган нонларга талпиниб, берилган насибаларига қаноат қилиб, кейинги насибасини кутиб турган болаларга қилинган 2000 сўм нафақа, эҳсон афзалми ёки қорни тўқларни чақириб 18000 АҚШ доллар исроф қилган акамизнинг эҳсони афзалми?

Берилган неъматлардан инсонлар шукр ва ибодат билан фойдаланишлари лозим. Бунинг акси бўлса, у исроф деб аталади.

Аллоҳ таоло инсонларни мавжудотлар ичида энг мукаррами этиб яратиб, унинг барча моддий ва маънавий эҳтиёжларини беришни ўз кафолатига олган. Аллоҳ таоло инсонларни исрофнинг барча кўринишидан қайтаради ва унинг ёмон оқибатини ҳам баён этиб беради. Бунга кўплаб оят ва ҳадисларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Жумладан: "Эй, Одам авлоди! Ҳар бир масжид (намоз) олдидан зийнатларингиз (кийимларингиз)ни (кийиб) олингиз. Ва энглар, ичинглар, (лекин) исроф қилмангизлар. Зеро, У исроф қилувчиларни севмайди".

Ушбу оятдан маълум бўладики, ейиш, ичишда ва кийинишда ҳам исрофга йўл қўймаслик керак. Чунки исрофгарлар Аллоҳнинг муҳаббатидан маҳрумдирлар.

Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.)дан ривоят қилинган Ҳадисда Расулulloҳ (с.а.в.): "Сени икки хислат: фахрланиш ва исрофгарчилик хатога бошламаса, хоҳлаганингни еб, хоҳлаганингни ичавер", деб марҳамат қилганлар.

Халқимиз рўзғоридан орттирганини эҳсон қилишга шошилади. Лекин бу эҳсонлар жойига тушсагина, савоб оламиз, исрофга йўл қўйсақ, аксинча, гуноҳкор бўлиб қолишимиз мумкин. Ҳолбуки, бугун баъзи ҳолатлардаги тангликларнинг асосий сабаби ҳам исрофдир. Пайғамбаримиз (с.а.в.) **“Тадбирли бўлиш – ярим ризқ”**, - деб марҳамат қилдилар. Барча ақли расо, идрокли кишиларга маълум ва маъруфдирки, ҳар қандай ишда ўртаҳоллик, мўътадиллик ва меъёр ҳамиша маъқулланиб келинган. Ҳаддан ошиш, исроф, манманлик ва риёкорлик каби иллатлар эса ҳам ақлан ва ҳам шаръан қораланиб, улардан ҳазар қилишга буюрилган.

Аллоҳ таоло Ўзининг каломида бундай марҳамат қилади:

“Қариндошга, мискин ва йўловчига (хайр-эҳсон қилиш билан) ҳақларини адо этинг ва исрофгарчиликка мутлақо йўл қўйманг!”.

Барчамизга яхши маълумки, мол-дунё Аллоҳ таоло томонидан бандаларга берилган неъматлардан бири ҳаётимиздаги зебу зийнатларидандир. Инсонлар ҳаётининг бардавом этишида ва уларнинг турли манфаатлари йўлида мол-дунё зарурий бир омил эканига ҳеч шубҳа йўқдир. Ҳар бир оқилу доно бу ҳақиқатни яхши билади ва шунинг учун улар мол-дунёларини беҳуда нарсаларга сарфлаб, уни исроф қилмайди.

Аллоҳ таоло мол-дунёни беҳуда сарфламасликка, ҳатто уни тасарруф этишда ноқобил инсонларга бермасликка тавсия қилиб бундай дейди:

“*(Қарамоғингиздаги) ақли норасоларга Аллоҳ сизларга (ҳаёт) туруми қилиб қўйган молларингиз (етимларнинг омонат моллари)ни бериб қўймангиз, балки ўша (моллар)дан едиринг, кийдиригиз ҳамда уларга яхши гапиринг!*”.

Исрофгарчилик – мол-дунёни беҳуда сарфлашнинг бир кўриниши ҳисобланади. Имом Журжоний исрофни сифатлаб бундай дейди: **“*Исроф – бу нафақа қилишда чегарадан чиқишдир*”.**

Суфёни Саврий бу ҳақда бундай деган: **“*Аллоҳ тоатидан бошқа нарса йўлида қилинган озгина нафақа исрофдир*”.**

Ибн Аббос айтганлар: **“*Кимки бир дирҳамни беҳуда сарфласа, исроф қилган бўлади*”.**

Исрофгарчилик жамият ва умматга зарари бўладиган ёмон ахлоқий сифатлардан ҳисобланади. Аллоҳ таоло бизларни бундан огоҳлантириб бундай дейди:

“*Эй, Одам авлоди! Ҳар бир масжид (намоз) олдидан зийнатларингиз (пок кийимларингиз)ни (кийиб) олингиз! Шунингдек, еб-ичингиз, (лекин) исроф қилмангиз! Зеро, У исроф қилувчиларни севмагай*”.

Нафақа қилиш ва мол-дунёни сарфлашда ўртача йўлни ушлаган ва унга амал қилган инсонларни Аллоҳ таоло мадҳ этиб, бундай дейди:

“*Улар эҳсон қилганларида исроф ҳам, хасислик ҳам қилмаслар, (тутган йўллари) бунинг ўртасида – мўътадилдир*”.

Бошқа бир оятда эса:

“*(Бахиллик қилиб) қўлингизни бўйнингизга боғлаб ҳам олманг. (Исрофгарчилик қилиш билан) уни бутунлай ёйиб ҳам юборманг! Акс ҳолда, маломат ва маҳрумликда ўтириб қолурсиз*”.

Ҳадиси шарифларда ҳам исрофгарчиликдан қайтарилиб, тежамкорликка тарғиб ва ташвиқ этилади. Жумладан:

“*Бойликда ҳам, фақирликда ҳам, ибодатда ҳам мўътадиллик яхшидир*”, - дейилади.

Тежамкорлик тўғрисида эса Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳадисларида бундай марҳамат қилинади:

“*Тежамкор одам ҳеч қачон қашшоқлик кўрмайди*”.

Демак, юқорида зикр этилган ояти карима ва ҳадиси шарифлар маъно-мазмунларидан огоҳ бўлиб ва ибрат олиб, ҳар бир-биримиз меъёрдан ташқари харажат қилишдан, исрофгарчиликка йўл қўйишдан сақланишимиз лозим бўлади. Чунки, исроф фақат марака-маросимларни тежамсиз ўтказишгина эмас, балки вақтни, умрни бепарво, бесамар ўтказиш ҳам катта исрофдир. Фойдасиз ишлар билан машғул бўлиш, куч-қувват ва салоҳиятни юрт манфаати йўлида ишлатмаслик, соғлиқ қадрига етмаслик кабилар ҳам исрофдир.

Беҳуда исрофгарчилик йўллари ва сабабларидан айримларини зикр этамиз:

Биринчиси: Одатда исрофгар кишининг исрофнинг барча турларидан қайтарувчи илоҳий таълимотлардан беҳабарлигидир. Исрофгар бу дунёда ҳасрат-надоматда, охиратда эса каттиқ азоб-уқубатда қолади.

Иккинчиси: Оила-муҳит таъсири. Киши исрофгар оилада тарбия топса, у ҳам аста-секин беҳуда исрофгарчилик йўлига ўтиб қолади.

Учинчиси: Табиий ҳаёт қонун-қоидаларидан беҳабар яшаши, ҳаётда бир маромда яшашликка ўрганмаслик. Ҳожати-заруриятдан ортиқ мол-дунё, сихат-саломатликни эҳтиёт қилмаслик.

Тўртинчиси: Кўплаб кишилар ҳаёт бошланишида оғир қийинчилик ва ҳаёт неъматларидан маҳрум ҳолда яшайдилар ва иқтисодий аҳволлари яхшиланиб, бой-бадавлат бўлишса муътадилликни тамоман унутиб, исрофгарчилик йўлига ўтадилар.

Бешинчиси: Исрофгарлар билан дўстлашиш ва улар билан муомалада бўлиш.

Олтинчиси: Манманлик қилиш, ўзини жуда саҳий ва олийжаноб деб кўрсатиш, одамларнинг олқиш ва мактовларига эришаман деб мол-мулкни беҳуда исроф қилиш.

Еттинчиси: Бошқаларга кўр-кўрона таклид қилиш ва ҳеч бир мулоҳазасиз, охир-оқибатини уйламай исроф йўлини тутиш.

Булардан ташқари катта ва узлуксиз ҳалол меҳнат эвазига топилган мол-дунёни гиёҳвандлик, ароқхўрлик каби ношаръий йўллари сарфлаш ҳам катта гуноҳ бўлади ва исрофгарчилик ҳисобланади. Керагидан ортиқча таом, озиқ-овқат сотиб олишга зиёда мол-дунё сарфлаш, ортиб қолган таом ва егуликларни ахлат челагига ташлаш ҳам энг ёмон кўрилган исрофгарчилик қаторига киради.

Исрофгарчилик тўғрисида жуда кўп гапирилишига қарамай, ҳануз ҳам бу борада лоқайдликлар учраб турибди. Мисол учун, ичимлик сувидан фойдаланганимизда хали ҳам исрофгарчиликка йўл қўйилмоқда. Баъзи хонадонларга кирилганда ёки маҳаллада, кўча-куйда ёинки бозорларда фойдаланиш учун ўрнатилган сув жумракларининг аксарияти кишин-ёзин очик ҳолда қолиб кетиши мутлақо мусулмончиликка тўғри келмайди.

Бошқа бир Ҳадисда "Ҳар бир исроф харомдур" дейилган. Юқоридаги оят ва Ҳадисда айтилганидек, еб-ичиш гуноҳ эмас, исроф қилиш гуноҳдир ва харомдир.

Умар ибн Ҳаттоб (р.а.) ўғғиллари Осимга насиҳат қилиб, шундай деди: "Эй ўғғлим! Таомни қорнинг тўйгунича емагин, кийиминг-ни ҳам эскирмагунича ташламагин. Аллоҳ берган ризқни фақат қорнига ва эгнига ишлатадиган қавмлардан бўлмагин"

Аллоҳ таоло неъматларини исроф қилмасдан, уларни ғанимат билиб, қадрига етишлик ҳақида Расулуллоҳ (с.а.в.) шундай деганлар: "Беш нарсани беш нарсдан аввал ғанимат бил. Ҳаётингни ўлимингдан, соғғли-ғғингни касал бўлишингдан, бўш вақтингни машғул бўлишингдан, йигитлигингни кекса бўлишингдан ва бойлигингни фақир бўлишингдан аввал ғанимат бил".

Дарҳақиқат, исроф фақатгина еб-ичишгагина эмас, балки инсоннинг ҳаётига, унинг бойлигига, ёшлик даврига ва соғлиғига ҳам тааллуқлидир. Шу билан бирга, хайр-эҳсон қилишда ҳам исрофга йўл қўймасдан, муътадил бўлиш талаб қилинади.

Ҳозирги кунда тўй ва маърака-маросимларда маълум даражада исрофгарчиликлар бўлаётгани ниҳоятда ачинарли. Айниқса, тўйдан кейинги дабдабозликлар ниҳоятда авжига чиққан. Шу билан оилалар тинч-тотув бўлиб кетса-ку майли, қанча-қанча оилалар арзимаган "қилди-қилмади", деган гап-сўзлар билан бузилиб кетяпти. Демак, ўткинчи орзу-ҳавасни деб ҳаётимизни машаққатга тўлдириб, охиратда ҳам бўйнимизга оғир жавобгарликни илиб олмайлик.

Яна шу нарсани ҳам таъкидлаб ўтмоқчимизки, азизлар, алҳамдулиллаҳ, Яратганга ҳамду санолар бўлсинки, бизнинг халқимиз меҳмондўст, саховатли халқдир. Урф-одатимизга кўра ўтказиладиган диний ва миллий маросимларимиз жуда кўп. Лекин афсуски, бу маросимларни ўтказиш асносида ортиқча такаллуф ва исрофгарчиликларга йўқ қўйилади. Ошу нонлар ортиқча тайёрланиб, ортиб қолган емишлар ҳайвонларга берилади ёки ташлаб юборилади. Бу эса динимиз таълимотига мутлақо зиддир.

Саҳобаи киромлардан бирлари Расули Ақрам (с.а.в.)дан тўйни қандай қилиш ҳақида сўраганларида, Ҳазрати Муҳаммад алайҳиссалом: "Битта қўй сўйгин", деганлар. Мен бир неча қўй сўйишга қодирман, деб қайта-қайта сўраганларида, "Эй молинга Худо барака бергур, битта қўй сўйгин" деганлар. Шундай экан, ҳар бир мўмин мусулмон ҳаёти мобайнида турли хил исрофларга йўл қўймасдан, илоҳий китобларда зикр қилинган оят ва ҳадисларга мувофиқ яшамоқлари лозимдур.

Бинобарин, юқорида келтирилган оят ва ҳадисларга амал қилайлик. Аллоҳнинг нозу неъматларини суистеъмол қилмай, тежамкорлик ва тадбиркорлик ила ҳаёт кечирайлик. Айниқса, ризқу рўзимизнинг асосий рамзи бўлмиш нон ва сувни қадрига

етайлик ва эъзозлайлик. Шундагина Ҳақ таоло ўз неъматларини янада зиёда қилажак, иншоаллоҳ.

Аллоҳ таоло барчаларимизни Ўзининг рушту ҳидоятдан адаштирмасин. Барчаларимизни Ўзининг берган неъматларига шуқр қиладиган бандаларидан қилиб ношукрлик, исрофгарчилик каби иллатлардан Ўз паноҳидан асрасин!

Исрофгарчилик баракани кетказди

Муқаддас Ислом динимиз таълимотлари бўйича мол – дунё Парвардигори олам томонидан инсонларга берилган неъматлардан бири сифатида қаралади ва дунё ҳаётидаги зийнатлардан бўлиб шу билан бир қаторда имтихон ҳам ҳисобланади. Аввало, Яратган зот биз бандаларга мол – дунёларини ҳалол меҳнат ва касблар орқали топишга амр қилиб, ҳалол йўл билан топилган мол-мулкни беҳудага сарфламаслик, исроф қилмасликка, ўз ўрнида дунёимиз ва охиратимиз учун фойдали ишларга сарф этишимизга буюрган. Чунки қиёмат куни банданинг оёғи 4 нарса ёшлигини нимага сарф этгани умри давомида қандай ишларни амалга оширгани, ва молу-дунёсини қаердан топиб қаерга сарф этгани тўғрисида ҳисоб бермагунча бирор қадам олдинга жилмас экан.

Улуғ юртдошимиз Абу Лайс Самарқандий (р.а.) бундай нақл қилдилар; Одамлар тўрт тоифадур; **1) сахий, 2) бахил, 3) исрофгар, 4) тежамкор.**

Сахий инсон дунёдаги насибасини охират учун сақлаб қўйган киши, бахил дунёда ҳам охиратда ҳам насибасини қолдирмаган, исрофгар охират насибасини дунёда ишлатган киши, тежамкор эса дунё ва охиратдаги насибасини олган кишидур.

Исроф деганда фақат маблағ ёки бойлик ва мол-мулкни ноўрин жойларга созуриш тушунилмайди, балки қимматли умри ва бебаҳо вақтини фойдасиз ўтказиш, куч қуввати салоҳиятини жамият ривожини учун эмас, балки фойдасиз нарсаларга йўллаш ҳам исрофдир. Исрофга йўл қўйиш Ислом динида улкан гуноҳлардан бири эканини яхши биламиз, демак ҳар бир ишда тежамкор ва тадбирли бўлиш бурчимиздир.

Машаққатли меҳнат эвазига топилган мол мулкни беҳуда йўллар билан ноўрин жойларга сарфлаш ва исроф қилиш қаторига тўйлардаги қўша қўша машиналар, ортиқча кийим кечаклар, қарзу хавола бўлиб тўй ва аза маросимларини ўтказиш ҳам қиради, натижада ўзлари билмаган ва кутмаган ҳолда ҳам ғусса балосига мубтало бўлиб, дунё ва охиратларини бой берадилар.

Ҳадиси — муборақда **“Қарздорликдан сақланинглари, чунки у кечаси сизларга ҳам ғусса, кундузи эса хорлик бўлади”** дейилган.

Тўй ва аза маросимларини исрофгарчиликка йўл қўймасдан ўртача ўтказиш матлубдир, агар ортиқча мол дунёни маҳалламиздаги мухтож инсонларга, қабристонлар ободончилиги, йўл ва кўприкларни таъмирлашга, шартнома асосида ўқиётган талабаларга ҳолисона тариқасида ёрдам берсак улкан ажру савобга ва муқофотларга қиёмат кунида иншоаллоҳ эришамиз.

Исрофгарчилик – дарддир!

Аллоҳ таоло Ўзининг фазлу қарамини ва инояти ила инсон зотини ақл ва идрок соҳибини қилиб яратди ва унга беҳисоб неъматларни ато қилиб, улардан баҳраманд қилди. Шу билан бир қаторда Ўзининг неъматларига доимо шуқр қилиб, исрофгарчиликка йўл қўймаган ва ҳаддан ошмаган ҳолда, оқилона фойдаланишга буюрган.

Барча замонларда бу ислом таълимотидан бохабар бўлиб амал қилган ақли расо, идрокли кишилар ҳар қандай ишда ўртаҳоллик, мўътадиллик ва меъёр билан енгил ва машаққатсиз яшаб келганлар. Ҳаддан ошишлик, исрофгарчилик, манманлик ва риёкорлик каби иллатлар эса ҳам ақлан ва ҳам шаръан қораланиб, улардан ҳазар қилишга буюрилган.

Акс ҳолда, бу неъматларнинг уволига қолиш, исрофгарчиликнинг салбий оқибатлари ўлароқ гуноҳкор бўлган ҳолда дунё ва охират мазамматида учрашлик ҳақиқат эканлигини шариатимиз баён қилган. Исрофгарчилик ва беҳуда сарфлаш кўп ҳолларда ўзидан қуйидаги асорат ва зарарларни қолдиради:

1. Исрофгарлар Аллоҳ таолонинг муҳаббатидан узоқдир. Аллоҳ таоло Анъом сураси 141-оятда шундай огоҳлантиради:

У (Аллоҳ) шундай зотки, (сўритокларга) кўтарилиб қўйиладиган ва кўтариб қўйилмайдиган (узумзор) боғларни, таъми турлича (бўлган) хурмо ва мевали дарахтларни, (ранг ва таъмда) ўхшаш ва ўхшамас зайтун ва анорларни пайдо қилди. Мева ҳосил қилганда, мевасидан тановул қилингиз! Ҳосил йиғиш кунида (муҳтожларга) ҳаққини (ушри ва хирожини) берингиз ва исроф қилмангиз! Албатта, У исроф қилувчиларни севмайди. Аллоҳ таоло бандаларига берган табиатдаги неъматлари ва ўзларинг касбу – меҳнати билан эришган молу-мулкларидан фойдаланишда ва ҳатто, бу мулклардан муҳтожларга инфоқ-эхсон қилганда ҳам ҳаддидан ошмаган, исрофга йўл қўймаган ҳолда бажаришни буюрди. Аллоҳ таоло ушбу оятда **“Албатта, У исроф қилувчиларни севмайди”** деб, исрофгарчилик Аллоҳ таола яхши кўрмайдиган амаллардан ва бандани Аллоҳ таолонинг муҳаббатидан узоқ қиладиган ахлоқлардан бири эканини баён қилди.

Инсоннинг Аллоҳ таолонинг муҳаббатидан узоқлашиш даражаси киши ўзининг қилаётган исрофи даражасида бўлади. Демак, банда содир этаётган ҳар бир исрофи миқдоридан Аллоҳ таолонинг меҳру-муҳаббатидан узоқлашиб боравер экан.

2. Исрофгарлик – ҳаром касб қилишга етаклайди. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Сени икки хислат – фахрланиш ва исрофгарчилик хатога бошламаса, хоҳлаганингни еб, хоҳлаганингни ичавер», -деганлар” (Имом Бухорий ривояти).

Сарвари коинот ушбу ҳадисда исроф ва фахр “хатога бошламаса” дедилар. Ушбу хатолардан бири, исроф билан завоқ қилган маблағининг ўрнини ҳаром касб билан тўлдиришидир. Исрофгар киши кўпинча ўзининг исрофи яъни, табиий бойликлардан фойдаланиш ва бисотидаги молу-мулкни тасарруф қилишдаги исрофи натижасида танг ва кийин ҳаётга учрайди. Чунки, ҳар бир нарсанинг ўлчови ва ҳисоб-китоби бордир. Аллоҳ таоло берган неъматларни беҳуда совурган, дунё ҳавасларига берилиб маиший ҳаётида ҳаддан зиёда риёкорлик, ғурурланиш билан мулкни сарфлаган киши бу неъматларнинг заволига учраб, оқибат фақирликка юз тутаяди. Мана шу орзу-ҳаваслар оғушида яшаган инсонлар ва уларнинг оилалари кўпинча бу фақирлик ҳаётига куника олмайдилар. Натижада, оилаларда низолар чиқади ёки уларни ғам-ғусса ва тушкунлик ҳолатлари камраб олади. Инсон бу ҳолдан чиқиш ва яна орзу – ҳавасларига етиш учун ўзини турли хил йўлларга солади. Гарчи, ношаръий, гуноҳ йўллар: алдов, зулм, порахўрлик, сутхўрлик, фирибгарлик гиёҳвандлик савдосига ўхшаш ботил савдолар билан бўлса ҳам яна бой бўлишга ҳаракат қилади. Ва бу ҳаром касб – хунарлар унга одат бўлиб, дунё ва охирада мазамматга қолади.

3. Исрофгарлик – дарддир. Таомланишдаги исроф ва меёрни ҳаддан ошиши кишининг танига кўплаб касалликларни келтириши бугунги кунда ҳеч кимга сир эмасдир. Тиббийёт уламолари ҳам буни исботлашиб, том-том китоблар ёзишди. Бу ҳақиқат Қуръони Карим оятларида 1400 йил аввал баён қилинган эди. Аллоҳ таоло Аъроф сураси 31- оятда шундай дейди:

Эй, одам фарзандлари! Ҳар бир масжид (намоз) олдидан зийнатларингиз (пок кийимларингиз) ни (кийиб) олингиз! Шунингдек, еб-ичингиз, (лекин) исроф қилмангиз! Зеро, У исроф қилувчиларни севмаган. Еб-ичишдаги исроф – корин тўқ бўла туриб, устига яна таом ейиш, деган тафсирлар ҳам бор.

Ҳорун ар-Рашиднинг насроний ҳозик табиби бор эди. У бир куни уламолардан Али ибн Ҳусайн ибн Воқидга: “Қуръон китобингизда табобат хусусида ҳеч нарса йўқ. Ваҳоланки, илм икки хилдир. Бири – дин илми, иккинчиси – бадан, яъни тиб илми”, – деганида, у жавобига: “Аллоҳ таоло табобатнинг ҳаммасини яримта оятга жамлаб қўйган”, -деб, мазкур оятни ўқиб берганида, табиб: “Пайғамбарингиз бу хусусида ҳеч нарса демаган.”, -дебди. Шунда олим: “Аксинча. Ошқозон дард манбаи, парҳез – барча давонинг боши. Баданни унга мос нарса билан парвариш қил!”, -деган ҳадисларини ўқиб берибди. Шунда табиб: “Китобингиз билан Пайғамбарингиз Жолинус ҳақимга табобатдан ҳеч нарса қолдирмабди”, -деган экан.

Лекин ҳозирги пайтда дунёнинг ҳамма ерида яхши ейиш учун яшаш, яхши ейиш учун пул топиш, ҳамма ҳаракатни турфа хил егулик топишга қаратиш авж олиб кетган.

Ўтмишдаги ва ҳозирдаги барча мутафаккирлар, шифокорлар, таниқли халқ табиблари кўп ва тез-тез ейишнинг, бунинг оқибатида ҳаддан ташқари семириб кетишнинг хатари ва зарарлари ҳақида яқдиллик билан ёзишган.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом эса: «Мен умматимнинг семириб, қорин солишидан хавфдаман», деганлар.

Низомий Ганжавий «Оз ейди кўп киши, соғлом бўлади, Кўп ейди кўп соғлом, тезда ўлади», деб ёзган. Абдурахмон Жомий эса: «Ўйлашинг гар бўлса ейишу тўқлик, Ундан бошқа нарса сен учун йўқлик», деган.

Фаридиддин Атторнинг бундай гапи бор: «Одамлар иллоти – ортиқ емоқлик, Ортиқ емоқ – иллат тухмин сепмоқлик». «Барча касалликларнинг боши бўкиб ейишдир», деб ёзган Саъдий Шерозий.

Энди атрофингизга бир боқинг: ҳозирги пайтда кўчаларда, одамлар яшайдиган мавзеларда нима кўп – ошхонаю дорихона кўп... Одамлар тинмай ейишади, бир ўтиришда икки-уч хил таом, устидан салатлар, мева шарбатлари, ширинликлар, «кока-кола», «фанта» каби ичимликларни томоққа юборишади. Кўпинча «тўйлар мавсуми»да ёки меҳмондорчиликка борганда бир кунда кетма-кет бир неча мартадан овқатланишга ҳам тўғри келиб қолади.

Ваҳоланки, ейилган овқат яхши ва тўла ҳазм бўлиши учун ҳар бир таомланиш орасида камида тўрт-беш соат вақт ўтиши лозим. Тўйиб ейилган таомдан кейин унинг кучини жисмоний ёки ақлий меҳнатга сарфлаш, ҳеч бўлмаганда бадантарбия машқлари қилиш керак.

Лекин амалда бундай бўлмайди, кишилар бўкиб овқатлангандан кейин кўпинча ёнбошлаб ва ётган ҳолда телевизор кўришади ёки ухлашади. Ошқозонга тушиб, ҳаракатсизликдан бижий бошлаган овқат танага куч-қувват бўлиш ўрнига зарарли чиқитга айланади, ҳужайраларга кислород ташиб дармон бўлиш ўрнига уларнинг «қотили»га айланади.

Бундай йўл тутган кишилар тез орада турли касалликни орттириб олиб, ошхона ва дорихона орасида тинмай қатнайдиган кимсаларга айланишади. Ейилган озиқ-овқатларнинг, ичилган ичимликларнинг бир қисми ҳужайралар эҳтиёжини қондириш учун ички аъзоларга шимилиб кетса, маълум бир қисми эса турли кўринишларда (ахлат, сийдик, тер, тирноқ каби) чиқиндиларга айланади. Бироқ кўпинча бу чиқиндилар тўлалигича ташқарига чиқиб кета олмайди.

Овқатланишдаги пала-партишлик, ейилган турфа таомларнинг кучини сарфламаслик кўп ўтмай ортиқча семириб кетишга олиб келади. Ортиқча семириш одамга ҳаётда жуда кўп ноқулайликлар келтириши билан бир қаторда, у бир қанча оғир касалликларнинг манбаи ҳамдир. «Вазни оғир» одамларда буйрак, жигар, ўт пуффаги, қандли диабет, юрак ишемик касалликлари ва бошқа хасталиклар кўпроқ учрайди.

Ўта семиз одамларда ўпкага ҳаво етиб бориши ёмонлашиб, мия кислород тақчиллигига учрайди ва марказий асаб тизимининг фаолияти издан чиқади. Ҳаво етишмаслиги оқибатида инсон руҳининг мижози бузилиб, кўпинча руҳ «сўлиб» қолади, нафас қисиши ва хафахонлик пайдо бўлади. Бу эса тананинг ҳамма жойида хасталиклар ўчоғи пайдо бўлишига олиб келади. Инсон вазнининг рисоладагидан ўн беш фоизга ортиши семизлик саналади. Биз буни ўзимизча “совлат”, -деб атаймиз. Бундай вазиятга тушиб қолмаслик учун овқатланишда қатъий меъёрга риоя қилиш лозим. “Самон бировники бўлса ҳам самон хона ўзимизники” эканини ҳеч қачон эсдан чиқармаслигимиз керак.

Пайғамбаримиз тавсияларига кўра, қориннинг учдан бири овқатга, яна бир қисми ичимликка, қолган бир қисми эса нафас олишга қолдирилиши лозим.

4. Исрофгар – Шайтонга яқиндир. Аллоҳ таоло Исро сурасининг 26-27-оятларида шундай огоҳлантиради. Қариндошга, мискин ва йўловчига (хайр-эхсон қилиш билан) ҳақларини адо этгин ва исрофгарчиликка мутлақо йўл қўймагин! 27. Чунки, исрофгарлар шайтоннинг биродарларидур. Шайтон эса, Парвардигорига нисбатан ўта ношукур эди. Аллоҳ таоло ҳақдорларга инфоқ қилишга чорлаб, сунгида хайр-эхсон қилишда мутлақо исроф қилмасликка буюрди. Хайр-эхсондаги исроф; маблағни ботил

йўллар билан топиш, молдан ҳақдор бўлмаганларга ажратиш, риё ва сумъани ният қилиб беҳуда совуриш, манманликка йўл қўйиш кабилар киради.

Жоҳилият даврда араблар туялар сўйиб эҳсон қилсалар риё, сумъа ва фахр учун қилар, ҳатто, мана буни шеърлар орқали мадҳ қилар эди. Бугунги кунимизда туйлар ёки ўтганларни хотиралаш ниятида қилаётган инфоқу-эҳсонларимизда бу каби иллатлар йўқ, - деб айтолмаймиз.

Ҳақиқатдан, фахрланиш, манманлик, риёкорлик ёки оддий “урфу-одаг” ва “орзу-хавас” шиори остида қанча маблағлар, таомлар, табиий неъматлар; электр, газ, сув ва ҳақозалар... исроф булаётганига ҳаммамиз гувоҳимиз. Яхшиликда бу каби исрофлар бўлса, маблағларимизни гуноҳ, бузғунчи-фасод ишларга сарфлашлигимизда қанчалар мазаммат бор экан-а?! Бунга жавобан, Аллоҳ таоло исроф – шайтоний иш, исрофгарлар шайтонга шерик эканини баён қилди. Дарҳақиқат, шайтон инсонни турли хил ёмон хулқларга чорлаб, уни молига бахллик қилиш ва инфоқ-эҳсон қилмасликка ундайди, агар киши унга итоат этмаса, сунг уни ҳаволантириб, исроф қилиш, беҳуда сарфлаш каби иллатларга ундай бошлайди. Оқибатда унга эргашган киши дунё ва охиратда шайтонга ҳамроҳ бўлади. “Шайтон эса, Парвардигорига нисбатан ўта ношукур эди”.

5. Исроф – молу-дунёнинг заволидир.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анху ривоят қилади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам миш-мишдан, саволни купайтиришдан ва молни беҳуда сарфлашдан қайтардилар”. Молни беҳуда сарфлаш: шариат қайтарган бузғунчилик, фахр, риё, сумъа, манманлик ва молни талофат топтирадиган ўринларга сарфлашлиқдир.

Дарҳақиқат, молни беҳуда ва тежамсиз ишлатиш кишини камбағал қиладиган, кишини бировларнинг қўлига қарам қиладиган ва танглик ҳаётини келтирадиган иллатлардандир.

6. Исрофгар – қиёматда тугилади. Дарҳақиқат, барчамиз Аллоҳ таолонинг беадад неъматлари ичидамиз. Аллоҳ таоло бу неъматларнинг шукрини қилишимиз, дунё ва охират манфаатлари учун адолат ва меёр чегарасида ишлатишимизни буюрди. Зеро, Аллоҳ таоло қиёмат кунда ўзининг бу неъматлари хусусида барчаларимиз сўралишимиздан огоҳлантириб, Такасур сурасининг 8- оятида шундай хабар беради:

Сунгра ана ўша кунда (қиёматда), албатта, (сизларга ато этилган барча) неъматлар тўғрисида сўроқ қилинурсиз! Ҳар бир эътиқодлик киши биладикки, Аллоҳ таоло қиёмат кунда бандаларнинг қилган ишлари ва берган неъматлари ҳақида сўралади.

Савол бўладикки, биз бу ҳисоб-китоблар учун тайёрмизми? Берилган неъматларни шукрини адо қилиб, исроф ва уволга йўл қўймасдан тўғри фойдаланаяпмизми? Саволлар кўп... Зеро, Ҳазрати Умар (р.а.): “Аллоҳ таоло (қиёматда) сизларни ҳисоб-китоб қилмасдан бурин, ўзингизни сарҳисоб қилиб олинг!”, -деганларидек, биз ўзимизнинг ҳолимиз ва амалларимизга теран назар солишимиз керак бўлади.

Зотан, биз бугунги кунимизда бефарқ булаётган исрофгарчиликлар серобдир. Ҳозирги кунда исрофни жуда тор маънода тушуниб, уни фақат ноз-неъматларгагина қўллаймиз. Аслида эса исрофгарчиликнинг тури беҳисоб. Ақл-идрокни фойдасиз, ҳатто инсонлар учун офат келтирувчи нарсаларга сарфлаш билан юзага келувчи ақл-идрок исрофи, на дунёси ва на дини учун наф бермайдиган сўзларни сўзлаш орқали пайдо бўлувчи сўз исрофи, инсон онгига зарар етказувчи нарсаларга бокқанда юзага келувчи кўз исрофи, ўтган бир кунини ортга қайтариб бўлмайдиган умрни бесамар ўтказишдан вужудга келувчи вақт исрофи бордир. Эй, Аллоҳим! Неъматинг кўп, бу неъматларга шукримиздан исрофимиз кўп. Аллоҳ таоло ўзинг хузурида сўроғимизнинг енгил қилсин! Аллоҳ таоло барчаларимизни Ўзининг рушду ҳидоятдан адаштирмасин.

**ЖАҲОН САЙЁҲЛИК ТАШКИЛОТИ ТОМОНИДАН 1979 ЙИЛ
ТОРРЕМОЛИНОС (ИСПАНИЯ) ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛГАН БОШ
АССАМБЛЕЯДА “27 СЕНТЯБРЬ — ХАЛҚАРО САЙЁҲЛИК КУНИ” ДЕБ ЭЪЛОН
ҚИЛИНГАНЛИГИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН САЙЁҲЛИК ТАШКИЛОТИГА 1993
ЙИЛДА АЪЗО БЎЛГАНЛИГИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ**

Иккинчи жаҳон уруши тугагандан кейин Европанинг айрим мамлакатларида, АҚШ ва Канадада халқаро туризм энди ривожлана бошлади. 1951 йилга келиб бутун дунё бўйича қайд этилган туристларнинг умумий сони урушгача бўлган даражага етди ва 25 млн. дан ортиқ кишини ташкил қилди. Урушдан кейинги йилларда туризм соҳаси оммавий жамиятнинг барча табақадаги аъзолари учун хизмат шакли бўлиб ҳисобланади. Кучли дам олишнинг ривожланиш инфраструктураси шаклланади. Бу давр туристик фирмаларнинг актив фаоллашуви оммавий қурилиш меҳмонхоналари, мотеллар, дам олиш уйлари ва кўнгилочар жойлари билан ифодаланади. Халқаро миқёсда айрибошлаш кенг кўламда ривожлана бошлади. Туризм яқка тартибдан, уюшган оммавий ҳолатга айлана бошлади. 1947 й. Парижда халқаро туристик ташкилотларнинг расмий Иттифоқи (МСОТО) тасдиқланди. Унинг ҳақиқий аъзолари бўлиб давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳисобланади. Иттифоқ таркибига 116 давлат кирган.

Халқаро туризм ролининг кўтарилишида БМТ тезкорлик билан ривожланиб бораётгани халқаро ҳамкорликнинг ушбу соҳасига жуда катта эътибор берди. 1963 й. Римда (Италия) БМТ туризм ва саёҳатлар бўйича I конференция ўтказилди. Конференцияда «Вақтинчалик келувчи», «Турист», «Экскурсант», каби туризмда махсус тушунчаларга аниқлик киритиш конференцияда статистик ҳисоботларни бир хил қилиш ва уларни таҳлил қилиш, туризм ривожланиши истиқболлини белгилаш, чегараларда туристларни чиқариш ва киритишнинг расмиятчилик тартиб қоидаларини соддалаштириш кўриб чиқилди. Халқаро туризм масаласи БМТ – савдо ва тараққиёт конференциянинг фаолияти БМТ минтақавий иқтисодий комиссияси доирасида, асосан Европа иқтисодий комиссиясига киритилган.

1969 йил БМТ бош Ассамблеяси резолюциясига мувофиқ нодавлат халқаро туристик ташкилотларнинг махсус иттифоқи (МСОТО) қайтадан ташкил этилиб, БТТга айлантирилди. БТТ 1975 йил 2 январда ўз уставини қабул қилди. Унинг таркибига 51 давлат аъзо бўлиб киритилган. БТТ ташкилотининг асосий мақсади - туризм соҳасида давлатларнинг бир-бирлари билан ҳамкорлигини йўлга қўйилганини таъмин этиш, туризм соҳасида ривожланишни рағбатлантириш, тинчлик, тараққиёт ва инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жадал иқтисодиёт юксалишига ўз ҳиссасини қўшишдан иборатдир.

Бутунжаҳон туристик ташкилоти туризм соҳасида етакчи халқаро ташкилот ҳисобланади. Туристлик сиёсат масалаларини муҳокама қилишда глобал форум бўлиб хизмат қилади. Шунингдек туристик статистика ва туризм соҳасида амалий технологиялар манбаидир.

БТТ -World Tourism Organization, WTO, туристик ташкилотлар расмий халқаро иттифоқи, меросхўри сифатида 1975 йил ташкил этилган. БМТ бош Ассамблеяси ЭКОСОС билан келишган ҳолда БТТни ҳукуматлараро ташкилот мақомини тан олган.

2002 йилда унинг таркибига 139 мамлакат, 6 ҳудуд ва 350 га яқин хусусий сектор, ўқув юртлари, туристик ассоциациялар ва маҳаллий туристик ташкилотлар кирган.

БТТнинг – Бутунжаҳон туристик ташкилоти штаб квартираси Мадрид (Испания)да жойлашган. Унда дунёнинг барча жойларидан туризм соҳасидаги 90 мутахассис ходимлар ишлайди. БТТ ҳукуматлараро ташкилот ҳисобланиб, БМТ топшириғига кўра ҳамма учун очиқ туризмни ривожлантириш, туризм харакатига кенг кўлам бахш этишда марказий ва ҳал қилувчи роль ўйнаш вазифаси юкланган.

БТТнинг асосий вазифаси яна янги иш ўринлари яратиш ва иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, атроф-муҳитни, маданий меросни муҳофаза этиш ва тарғиб қилиш ҳамда дунёда туризм орқали инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишга эришиш ҳисобланади.

БТТнинг асосий мақсадлари:

- Иқтисодий тараққиёт воситалари сифатида туризмни қўллаб-қувватлаш ва тинчликни, халқлараро ўзаро тушунишни, фаровонликни, тили, ирки, жинси, диний эътиқодидан қатъий назар инсон ҳуқуқларига риоя этилишни таъминлаш;
- Туризм соҳасида ривожланаётган мамлакатлар манфаатларига риоя этиш.

БТТ етарли режалаштириш, бошқарув ва мониторинг бўлмаса туризм маданий, экологик ва ижтимоий тараққиётга салбий таъсир қилади деб ҳисоблайди. Шу муносабат билан БТТ ҳукуматларни, хусусий сектор, маҳаллий ҳукумат органлари ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда туризм соҳасида муҳим рол ўйнашга чақиради.

БТТ фикрича, туризм бизнинг давримизда фаолиятнинг динамик тури сифатида қашшоқликка қарши курашда самарали фойдаланилиши мумкин. БТТ камбағалликка барҳам бериш воситаси сифатида турғун туризмни ривожлантириш бўйича янги ташаббусларда ўз кучини ЮНКТАД билан бирлаштириди. «Турғун туризм – камбағалликка бар ҳам»(ST-EP) дастури ташкилотни узоқ муддатга ишлашга мўлжалланган, камбағаллик билан курашиши учун турғун туризм ҳаракатига қаратилган. У 2003 йилда «Туризм камбағаллик билан курашиш, иш ўринлари яратиш ва ижтимоий гармония учун қудратли омил» шиори остида ҳаётга тадбиқ этилди.

БТТ- Бутунжаҳон туристик ташкилотининг барча аъзолари уч категорияга бўлинди:

- Ҳақиқий аъзо мақомига эга бўлган суверен давлатлар;
- Ассоциялашган аъзо мақоми (БТТ ассоциялашган аъзоси ҳар қандай давлат ёки гуруҳлар территориялари бўлиши мумкин, улар ўз ташқи сиёсати учун мустақил жавобгар эмас)га эга бўлган давлатлар;
- БТТ бирлашган аъзолари туризм соҳасида манфаатдор ҳар қандай ҳукуматлараро ёки нодавлат ташкилотлари, шунингдек фаолият БТТ ваколати ёки туризмнинг баъзи асосларига дахлдор тижорат ташкилотлар ва бирлашмалар (авиакомпаниялар, меҳмонхоналар, банклар, тадқиқот институтлари, нашрлик гуруҳлари ва бошқалар).

Бирлашган аъзолар эса уч гуруҳга бўлинади:

- БТТ иш кенгаши;
- БТТ таълим бўйича совети;
- БТТ туристик марказларни бошқариш бўйича оператив марказлари.

Бирлашган аъзоларга кириш учун номзод штаб – кватираси жойлашган мамлакатнинг қўллаб- қуватловчи расмий розилиги талаб қилинади. БТТ туристик индустрия раҳбарлари ва ҳукуматлараро фаол ҳамкорликни таъминловчи ҳукумат вакиллари билан иш олиб борадиган оператив сектор мавжуд бўлган ягона ҳукуматлараро ташкилотдир. Бирлашган аъзоларнинг кенг таркиби ўз иш дастурига эга. Унда ҳар йили мажлислар ва техник семинарлар ўтказиш кўзда тутилган. Масалан 2001 йилда «Туризмда электрон бизнес», 2002 йилда «Давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги ва шерикчилиги » каби махсус мавзуларда семинарлар ўтказилди.

БТТ қуйидаги тузилмага эга:

• **Бош ассамблея.** Бош ассамблея ҳақиқий аъзолар вакиллари билан иборат БТТ нинг юқори органи ҳисобланади. Навбатдаги сессия ҳар икки йилда бир марта чақирилади. Зарурат туғулганда навбатдан ташқари сессия чақирилиб, вазият тақазо қилган масалалар муҳокама қилинади. Ассамблея икки йилда бир марта ташкилот бюджетини муҳокама қилиш учун чиқарилади ва унинг иш дастури туристик сектордаги долзарб муаммоларни муҳокама қилади. Бош ассамблея ҳар тўрт йилда ташкилот бош котибини сайлайди. Ассамблея БТТ фаолият доирасига кирувчи ҳар қандай масалани муҳокама этади. Бош ассамблея Ҳақиқий ва Ассоциялашган аъзолар ичидан овоз берувчи делегатлардан ташкил топган. Бирлашган – Қўшилган аъзолар ва бошқа ҳалқаро ташкилотлар вакиллари Ассамблеяда қузатувчи сифатида иштирок этади.

• **Ижроия совети.** Ижроия совети Бош ассамблея тамонидан географик вакилларга риоя этилган ҳолда сайланадики, беш ҳақиқий аъзога битта кенгаш аъзоси тўғри келади. Испания кенгашга БТТ жойлашган мамлакат сифатида киради. Бундан ташқари ассоциялашган ва қўшилган аъзолардан овоз бериш ҳуқуқсиз биттадан вакиллар киритилади. Ижроия кенгаши бир йилда камида икки марта йиғилади. У бош котиб билан биргаликда Ассамблея қарорлари ва тавсияларини амалга оширилиши учун зарур барча чора- тадбирларни кўради ва уларнинг бажарилиши юзасидан ҳисобот (доклад) - ахборот беради. Ассоциялашган ва Қўшилган аъзолар Ижроия совети ишида қузатувчи сифатида қатнашадилар.

Худудий. БТТ аъзолари - давлатлар олти ҳудуд бўйича тақсимланган:

1. Африка;
2. Америка;
3. Шарқий Осиё ва Тинч океани;
4. Европа;

5. Яқин ва Ўрта Шарқ;

6. Жанубий Осиё.

Комиссия тегишли ҳудудлардан барча ҳақиқий ва Ассоциялашган аъзолардан иборат ва ўз мажлисини камида йилига бир марта ўтказувчи Мазкур ҳудуддан қўшилган аъзо комиссия ишида кузатувчи сифатида қатнашади.

Қўмиталар. БТТ да БТТ аъзолари тамонидан бошқарув бўйича тавсияларни ва ишлар моҳиятини ишлаб чиқиш учун ташкил қилинган махсус қўмиталар мавжуд:

- Дастур бўйича қўмита;
- Молия бюджет қўмитаси;
- Туризмнинг статистика ва макроиқтисодий таҳлил қилиш қўмитаси;
- Туризм ҳаракати ва бозорини тадқиқ қилиш бўйича қўмита;
- Туризмни турғун ривожлантириш бўйича қўмита;
- Сийсатни таъминлаш бўйича қўмита;
- БТТ ишчи кенгаши;
- Туризм этикаси бўйича Бутунжаҳон қўмитаси.

Котибият. Котибият бошқа (Фраческа Франжиалли – Франция фуқароси) Ижроия кенгаши тавсиясига кўра Бош ассамблея тамонидан тўрт йилга, қайта сайланиш имкони билан сайланган Бош котиб ҳисобланади. У БТТ қонуний вакили бўлиб ҳисобланади ва ўз иш фаолиятида ўринбосари ва умумий масалалар бўйича кординаторга таяниб иш юритади. Бош котиб Ассомблея ва кенгаш олдида жавобгар ҳар икала орган кўрсатмаларини бажаради. Кенгашга БТТ фаолияти бўйича, шунингдек бюджет ва ишбилармонлар лойиҳалари бўйича доклад тақдим этади. Бош котиб ҳудудий вакилларни тайинлайди. Уларга Ассоциялашган ва Қўшилган аъзолар билан муносабатларни қўллаб – қувватлаш топширилган. Котибият ўз тарихи фаолиятига эга. Улар БТТ қароргоҳида тўлиқ ставкада ишлашади.

БТТ туризм масалалари бўйича бир қатор деклорациялар ва расмий ҳужжатлар қабул қилган, улар орасида қуйидагилар бор:

- 1925 йил Туристик ассоциациялар расмий ҳалқаро конгресси (Нидерландия - Гаага);
- 1934 йил – Туризмни тарғиб қилиш бўйича Ҳалқаро ташкилотлар расмий иттифоқи тузиш (МСООПТ Нидерландия - Гаага);
- 1947 йил – МСОПТ туристик ташкилотлар расмий ҳалқаро иттифоқи (МСОТО) га айлантирилди;
- 1969 йил София (Болгария) да ҳукуматлараро конфренция ҳукуматлараро туристик ташкилот тузишга чақирди;
- 1970 йил 27 сентябрда Мексикада МСОТО навбатдан ташқари Бош ассамблеяси БТТ низомини қабул қилди;
- 1975 йил Мадрида БТТ нинг биринчи Бош ассамблеяси ўтказилди жаноб Роберт Лонати бош котиб бўлди;
- 1976 йил – БТТ котибияти Жневадан Мадридга кўчиб келди;
- 1977 - 1979 йй. – Тормолинос (Испания)да БТТ да Бош ассомблеяси бўлиб ўтди;
- 1979 йил – 27 сентябр «Бутун Жаҳон Туризм куни» деб эълон қилинди;
- 1980 йил – Манилада БТТ туризм бўйича Бутунжаҳон конфренцияси чақирилди: жаҳон ва туризм тўғрисида Манила декларацияси бир овоздан қабул қилинди;
- 1981 йил Рим (Италия)да БТТ Бош ассамблеяси ўтказилди;
- 1982 йилда Акапулькада Бутунжаҳон конфренцияси ўтказилди. Акапулька ҳужжати қабул қилди;
- 1983 йил – Деҳли (Ҳиндистон)да БТТ Бош ассамблеяси ўтказилди;
- 1985 йил Софияда БТТ Бош ассамблеясида туризм Хартияси ва туристик аҳлок кодекси қабул қилинди;
- 1986 йил – жаноб Вили Бальд Пар (Австрия) Бош котибликка сайланди;
- 1987 йил – Мадрид (Испания)да БТТ Бош ассамблеяси ўтказилди;
- 1989 йил – Париж (Франция)да БТТ Бош ассамблеяси ўтказилди;

▪ 1989 йил Парламентларaro иттифоқ билан ҳамкорликла туризм бўйича парламентларaro конференция ўтказилди. Туризм бўйича Гаага декларацияси қабул қилинди;

- 1990 йил – жаноб Антонио Энрикес (Мексика) Бош котиб этиб сайланди;
- 1991 йил – Буэнос Айрес (Аргентина) да БТТ Бош ассамблеяси бўлиб ўтди;
- 1993 йил – Бали (Индонезия)да БТТ Бош ассамблеяси бўлиб ўтди.
- 1995 йил – Қоҳира (Миср)да БТТ Бош ассамблеяси бўлиб ўтди;

▪ 1996 йил – «Туристик сиёсат учун жавобгарлар» мавзусида парламентлар ва маҳаллий ҳокимиятлар учун БТТ нинг иккинчи форуми ўтказилди. Туризм бўйича декларация қабул қилинди (Бали, Индонезия);

- 1997 йил – Истамбул (Туркия) да БТТ Бош ассамблеяси бўлиб ўтди;
- 1997 йил – Жаноб Франческо Франжиалл БТТ Бош котиби этиб сайланди;
- 1999 йил – Сантьяго (Чили)да БТТ Бош ассамблеяси бўлиб ўтди.
- 2001 йил – Сеул (Корея Республикаси)ва Осака (Япония)да БТТ Бош ассамблеяси ўтказилди;

▪ 2001 йил – жаноб Франческо Франжиалл иккинчи марта мазкур ташкилотга Бош котиб этиб сайланди.

Бош ассамблея ҳар икки йилда БТТ фаолияти дастурини қабул қилади. БТТ тўпламлар нашр қилади, шунингдек маълумотларнинг ахборотлар банкини таклиф этади.

Нодавлат ташкилот ва миллий халқаро туристик ташкилотлар.

Халқаро туризм бўйича ноҳукумат ихтисослашган ташкилотлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланадилар:

1. Бутунжаҳон туристик агентликлар асасиацияси федерацияси (ФУААВ), 71 миллий ва ҳудудий асасиацияларни бирлаштирган 20 мингдан ортиқ туристик агентликларни ўз ичига олган. 1956 йил Туристтик агентликларнинг касбий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида тузулган ва уларга зарур касбий техник ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатади.

2. Туризм бўйича илмий экспертлар халқаро асасиацияси (АИЕСТ) 1951 йилда ташкил бўлган.

3. Туризмда касбий таълим бўйича Бутунжаҳон асасиацияси 1969 йилда БТТ ҳомийлиги остида ташкил бўлган.

Халқаро тижорат ташкилотлари:

- Халқаро туристик альянс. Автомобилда хорижга сафарга чиқишда;
- суғурта қилишга ихтисослашган ташкилот;
- Конгресслар касбий ташкилотчилари халқаро асасиацияси;
- Туристтик агентликлар бутунжаҳон асасиацияси.

Худудий халқаро туристик ташкилотлар қаторига киради:

▪ Туризм бўйича Араб иттифоқи. 1954 йил ташкил топган ва у 18 араб давлатлари миллий туристик ташкилотларини бирлаштиради.

▪ Африка туризмни ривожлантириш ташкилоти. 1961 йилда ташкил топган. Африканинг 11та французча сўзлашадиган мамлакатларни бирлаштиради.

Халқаро туризмни ривожлантиришда ҳамкорлик қилувчи миллий ташкилотлар:

▪ Америка туристик агентликлари жамияти АСТА. Таркибига аъзо сифатида хорижий фирмалар киради;

▪ Британия туристик агентликлари асасиацияси-АБТА;

▪ Туризм бўйича Лотин Америкаси ташкилотлари конфедрацияси- КОТАЛ.

▪ Россия Федерациясида ҳозирги вақтда Россия туристик агентликлари асасиацияси-РАТА ишлаб турибди. Унинг таркибига 14 худудий бирлашмалар қамраб олинган.

■ Ўзбекистонда ҳозир «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг меросхўри сифатида Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси кўринишда ишлаб турибди.

«Ўзбектуризм» Миллий Компанияси 1993 йил октябрда Бутун Жаҳон Туризм ташкилотига аъзо бўлиб кирди.

Ўзбекистонда замонавий туризм индустриясини ривожлантириш механизмлари

Ҳозирги кунда хизмат кўрсатишнинг таркибий қисмларидан бири туризм индустриясидир ва у жадал суръатларда ривожланиб бормоқда. Дунё туризмида каби республикада ҳам туризмни ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Республикада туризм индустриясини ривожлантириш бўйича бир қатор дастурлар ишлаб чиқилган. Бу дастурларга асосан туризм индустрияси яқин йиллар ичида мамлакатимизнинг ЯИМда салмоқли ўрин эгаллаши кутилмоқда. 2016 йилдан бошлаб ҳукуматимиз туризм инфратузилмасини жаҳон андозалари даражасида ривожлантириш учун катта сармоялар ажрата бошлади. Ўзбекистон тарихида биринчи марта эркин туристик зоналар фаолият олиб бормоқда, жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган туристик объектлар қурилмоқда. Бу каби ҳаракатлар республикамиз иқтисодиётининг ўсишини таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутмоқда. Амалга оширилаётган тадбирлар хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев Ўзбекистоннинг 2016 йил ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида “Ҳаётнинг ўзи ва ўтган йиллар тажрибаси ҳудудларни комплекс ривожлантиришни ва инфратузилма фаолиятини тубдан ўзгартиришни таъминлашдаги жиддий камчиликларни бартараф этишни талаб қилмоқда”¹ –деб таъкидлаб, иқтисодиётни комплекс ривожлантиришда бир қатор вазифаларни белгилаб берди. Шундан келиб чиққан ҳолда туризм инфратузилмасини республикамизнинг барча ҳудудларида бир-бирига мутонасиб равишда ривожлантиришимиз лозим.

Туризм индустриясини ривожлантириш механизмларини ишлаб чиқиш ва туристик хизматларни замон талабидан келиб чиқиб модернизациялаш талаб қилинмоқда. Замонавий туризм индустрияси ташкил қилиш ва туристик хизматларни ривожлантириш орқали самарадорлиқа эришиш, мавжуд имкониятларимиздан тўлиқ фойдаланиш, ривожланишнинг янги механизмларни жорий қилиш ва халқаро стандартларга мувофиқлаштириб бориш ва ривожланиш стратегиясини тўғри танлаш долзарб бўлиб бормоқда.

Ўзбекистонда туризм индустрияси 2016 йил сентябрдан ҳақиқий ривожланиш босқичига кирди десак ҳато бўлайди. Сабаби Президентимиз Ш. М. Мирзиёев миллий туризмни мутлоқа янги кўринишда ташкил этиш ва ривожлантириш учун янги ислохотлар даврини бошлаб берди. Қисқа вақт ичида туризм соҳасини ривожлантириш учун бир қатор қарорлар ва фармонлар қабул қилинди:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 февралдаги “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Ўзбекистоннинг 2016 йил ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги маърузаси. www.kun.uz.

тадбирлари тўғрисида”ги Фармони;

- Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 июндаги “Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларини келтиришимиз мумкин.

Ўзбекистонда туризм инфратузилмасининг ривожланиши ҳақида гапирар эканмиз, мамлакатнинг асосий туризм минтақаларига бўлиниши хусусида тўхталиб ўтиш муҳим аҳамиятга эгадир. Бугунги кунда республикада тўртта асосий ананавий туристик минтақа мавжуд бўлиб, улар Самарқанд, Бухоро, Тошкент ва Хоразм туризм минтақаларидир. Истикболли Фарғона (Фарғона, Андижон, Наманган), Жиззах (Жиззах, Сирдарё), Жанубий (Қашқадарё, Сурхондарё) туризм минтақасига бўлинади.

Фарғона туристик минтақаси, Фарғона водийсини ўз ичига қамраб олади. Унинг туристик ресурслари археологик қазилмалар ва меъморчилик обидалари, қулай табиий шароитлар, ананавий халқ ҳунармандчилиги ва санъати маҳсулотлари, саноат ва аграр комплекслардан иборат. Бу ерда автомобил ва темир йўлларнинг кенг тармоғини мавжудлиги ҳам Фарғона минтақасидан туризм мақсадларида фойдаланишга, унинг бутун ҳудудида туризм базалари ва дам олиш масканларини жойлаштиришга имконият яратади. Тошкент туризм минтақаси келгусида туризмнинг барча турларини ривожлантириш учун универсал имкониятларга эгадир. Мазкур туризм районидаги маданият ёдгорликлари, пойтахт вилоятининг бугунги ҳаёти, қурилишлар, янги шаҳар ва қишлоқлар, замонавий маданият, минтақанинг табиати, бой ландшафти, ранг-баранг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси унинг диққатга сазовор бўлишига сабаб бўладиган муҳим омилдир. Автомобил ва темир йўллари тармоғи Тошкент туризми минтақасидаги туризм марказларини бир-бири билан боғлайди ҳамда шаҳар атрофидаги темир йўл ва автомобил туризмни ривожлантиришга имкон беради.

Самарқанд ва Бухоро туризм минтақаси Самарқанд, Бухоро ва Навоий вилоятларини ўз ичига қамраб олади. Самарқанд ва Бухородаги бутун дунёга машҳур меъморчилик обидалари ушбу минтақадаги туризмни ривожлантирилишига асос ҳисобланади. Бундан ташқари, Зарафшон дарёси орқали ўтувчи темир йўл ва кенг тармоқдаги шоссе йўллари, Зарафшон тоғ тизмаси орқали ўтган унчалик баланд бўлмаган доволар ва яхши трассалар минтақада туризмни ривожлантириш учун ғоятда қулай омил ҳисобланади. Хоразм туризм минтақасининг салоҳияти асосан Хиванинг Ичан қалъа қўриқхонасида жойлашган ва жаҳонда мисли йўқ ғоятда бой тарихий-меъморчилик ёдгорликларига таянади. Фаолият кўрсатаётган туризм минтақалари билан бир қаторда яна истикболли минтақалар мавжуд бўлиб, улар Жиззах, Қарши-Термиз ва Ўрта-Қорақалпоқ минтақаларидир. Келажакда бу минтақалардаги мавжуд имкониятларнинг ривожлантирилиши мамлакатимизда туризм хизматлари бозорини янада кенгайтиришга олиб келиши мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида ва бозор муносабатлари ривожланиши натижасида Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар юзага келаётганлиги, туризмнинг республика иқтисодиётига янада интеграцияланиши мамлакат иқтисодиётида муҳим аҳамият касб этмокда. Жаҳон иқтисодиёти тажрибасидан маълумки, туризм соҳаси мамлакат хазинаси учун зарур бўлган валюта тушумини таъминлаш, янги иш жойларини вужудга келтириш ва шу билан биргаликда аҳолининг турмуш даражасини кўтариш учун хизмат қилади. Республикамиз халқаро туризм соҳасидаги имкониятларининг катталиги билан кушни мамлакатлардан тубдан фарқ қилади. Ўзбекистоннинг географик ўрни нихоятда қулай, ажойиб табиий иқлим шароитига эгаллиги инсоният маданий тараккиётида ҳам катта урин тутди. Ўзбекистон нодир тарихий архитектура ёдгорликларига, ширин-шакар мевалар, хилма-хил таомлар, ажойиб миллий анъана, урф-одатга эга бўлган меҳмондуст халққа эга. Буларнинг барчаси чет эллик туристлар эътиборини ўзига тортади ва кишиларни лол қолдиради. Халқаро туризмни ривожлантиришда Ўзбекистонда мавжуд бўлган сиёсий барқарорлик ҳам муҳим урин тутди.

Аммо халқаро туризм тараккиёти даражасини юқори босқичга олиб чиқишда хали кўп ислохотларни амалга ошириш, кечиктириб бўлмас чораларни белгилаш ва уларни жадаллик билан ҳаётга тадбиқ этиш лозим бўлади.

Ўзбекистонда туризм индустрияси ривожланишининг шарт-шароитлари ва ҳолатини таҳлил қиладиган бўлсак, кейинги йилларда давлатимиз томонидан олиб борилаётган инвестицион сиёсат иқтисодиётнинг фақат бир йўналишда эмас, балки бир қатор йўналишларни ривожлантириш борасида олиб борилмоқда. Шу сингари хизмат кўрсатиш соҳасини оладиган бўлсак, Ўзбекистонда туризм саноатига жалб қилинган инвестициялар 2012 йилдаги 26,6 млрд. сўмдан 2016 йилда 46,4 млрд сўмга етди. 2018 йилдан 2021 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичларга қараганда 75,8 млрд. сўмгача ошиши башорат қилинмоқда.

1-жадвал.

**Ўзбекистонда туризм саноатига жалб қилинган
инвестициялар
(2017-2021 йиллар прогноз)**

№	Йиллар	Инвестициялар миқдори (млрд. сўм)
1	2012	26,6
2	2013	32,5
3	2014	44,3
4	2015	46,3
5	2016	46,4
6	2017	48,7
7	2018	51,6
8	2019	56,8
9	2020	65,3
10	2021	75,8

Манба: Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси маълумотлари. 2017 йил

Жадвалдан кўриниб турибдики, бу инвестицияларнинг асосий қисми янги меҳмонхоналар қуриш ва бир қатор фаолият олиб бораётган меҳмонхоналарни қайта жиҳозлашга жалб этилади.

Республикамизда иқтисодиёт барқарор ривожланиб бораётганлиги сабабли, хизмат кўрсатишда ҳам бир қатор ютуқларга эришилмоқда. Туризм инфратузилмаси 2011 йилда 1394,8 минг хорижлик туристларга хизмат кўрсатган бўлса, бу кўрсаткич 2016 йилда 1979,1 минг туристни ташкил қилди. 2021 йилгача бўлган даврда бу кўрсаткич 2525,1 минг туристни ташкил қилиши башорат қилинмоқда.

2-жадвал.

**Ўзбекистонга ташриф буюрган хорижлик туристлар
сони
(2018-2021 йиллар прогноз)**

№	Йиллар	Туристларлар сони (минг киши)
1	2011	1394,8
2	2012	1895,0
3	2013	1968,7
4	2014	1862,0
5	2015	1917,7
6	2016	1979,1
7	2017	2048,3
8	2018	2130,3
9	2019	2236,8
10	2020	2371,0
11	2021	2525,1

Манба: Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси маълумотлари. 2017 йил

Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган меҳмонхоналар сони 2011 йилда 423 тани ташкил қилган бўлса, 2016 йилда 622 тага ошган бўлиб, бу кўрсаткич 2021 йилда 1036 тага етказилиши баршорат қилинмоқда. Бунга барча сабаблар ва асослар етарли бўлиб, юқорида бу тармоқа инвестициялар киритилиши бўйича танишиб ўтдик. Бутун дунёда меҳмонхона бизнесини инвестицияларсиз тасавур қилиб бўлмайди. Инвестициялар хизмат кўрсатиш соҳасининг бошқа тармоқларига қараганда меҳмонхона бизнеси бир неча баровар фаолироқ ҳисобланади.

3-жадвал.

Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган меҳмонхоналар сони

(2017-2021 йиллар прогноз)

№	Йиллар	Меҳмонхоналар сони (дона)
1	2011	423
2	2012	444
3	2013	468
4	2014	525
5	2015	571
6	2016	622
7	2017	680
8	2018	744
9	2019	819
10	2020	917
11	2021	1036

Манба: Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси маълумотлари. 2017 йил

2016 йилда фаолият юритган туристик фирмалар сони 433 тани ташкил қилган, 2012 йилга нисбатан 75 тага кўп. Улар томонидан хизмат кўрсатилган шахслар сони 2012 йилда 511,6 минг нафарни ташкил қилган бўлса, 2016 йилда 465,4 минг нафарга етган.

2016 йилда сайёҳлик йўлланмаларининг 98,7 фоизи (101,7 минг дона) бевосита аҳоли томонидан сотиб олинган. Жумладан Республика ҳудуди бўйича Ўзбекистон фуқароларига 44,8 минг дона (44,0 фоиз), МДХ фуқароларига 9,9 минг дона (9,8 фоиз), бошқа чет эл мамлакатлари фуқароларига 31,8 минг дона (31,3 фоиз) йўлланма сотилган. Шунингдек чет эл мамлакатлари бўйича Ўзбекистон фуқароларига 15,2 мингта йўлланма сотилган.

Ўзбекистонда туризм инфратузилмасини ривожлантириш борасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар режасига асосан айрим минтақаларда қуйидаги ишлар 2020 йилгача амалга ошириш белгилаб олинган.

Шу жумладан:

Фарғона вилояти бўйича-“Қамчиқ” довони орқали 15 ўрингача бўлган транспорт воситаларида йўловчи ташишни йўлга қўйиш юзасидан ишчи комиссия ташкил этиш;

-“Қамчиқ” довони орқали 15 ўрингача бўлган транспорт воситаларининг қатновига шароитлар яратиш юзасидан жойларга чиққан ҳолда ўрганишлар ўтказиш, асосли таклифлар ишлаб чиқиш;

- йўл бўйларида маълумотлар пештахтасини ягона тасдиқланган намуна бўйича барча маданий мерос объектлари ва бошқа туризм объектларида ўрнатиш ва бошқалар.

Хоразм вилояти бўйича-Урганч шаҳри халқаро аэропортида туристлар томонидан зарур маълумотларга эга бўлишларини таъминловчи маълумот марказларининг узлуксиз

фаолиятини таъминлаш ва Урганч шаҳридаги темирйўл вокзалида маълумот маркази фаолиятини ташкил этиш.

Бухоро вилояти бўйича- А-380 автомагистралнинг Бухоро-Қарши йўналишидаги Аму-Бухоро канали устидан ўтувчи қисмини таъмирлаш;

- Бухоро шаҳрининг тарихий қисми атрофларида, ҳамда аэропорт ва темир йўл вокзалига йўловчиларни ташиш хизматини кўрсатувчи компания яратилиши устида ишлаш;

- тадбиркорлик субъектлари томонидан хорижий туристлар учун автобуслар харид этилишда кўмаклашиш;

-Бухоро шаҳрига қатновчи авиарейсларни ва «Афросиёб» электропоезд рейслари миқдорини ошириш, ва уларнинг жадвалини Бухоро вилоятига келувчи туристлар оқимига мос равишда оптималлаштириш;

- Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастури доирасида «Жайрон» экомарказига, «Денгизкўл», «Қорақир» «Ҳадича» давлат парваришхоналарига, Бухоро марказий ўрмон хўжалигига, Қорақўл ўрмон-ов хўжалигига, «Девхона» кўриқхонасига, «Қорақир» ва «Пешкў Қорақир Кўрғон» ов хўжаликларига элтувчи йўл-транспорт тармоғини яхшилашга қаратилган автомобил йўллари қурилиши ва қайта қурилиши бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Жиззах вилояти бўйича. -Зомин туманидаги “Дуоба”, “Бешкуби”, “Увол” қишлоқларидаги уй меҳмонхоналари ва “Қоплон ота”, “Парпи ойим”, “Уволдара” экотуристлик маскани, “Хўжа Шоҳимардон Шердор”, “Арчамозор ота”, “Қобилмозор”, “Қум ота, “Хўжаи-Сероб ота”, “Зоминсув” дарёси хавзаси қирғоғига, “400 йилик шумтол” каби туристик масканларига ва уларга олиб борувчи йўлларга йўл кўрсаткичлар ва панолар ўрнатиш

-Фориш туманидаги “Ухум”, “Хаёт”, “Можурум”, “Асраф” қишлоқларидаги уй меҳмонхоналарига ва “Можрум” арчаси экотуристлик объекти, “Хонбанди” тарихий маскани, “Тоғ алқарлари буюртмахонаси”, “Нурота” тоғ-ёнқозор давлат кўриқхонаси, “Бирлашган“ соғломлаштириш маскани, Эрамиздан аввалги I-II асрларга тегишли тошга битилган суратлар, “Хўжа боғбон ота”, “Нарвон ота”, “Жондахар ота”, “Айдар – Арнасой” кўллар тизимидаги туристик масканларга ва уларга олиб борувчи йўлларга инглиз тилидаги йўл кўрсаткичлари ва паноларни ўрнатиш

-Ғаллаорол туманидаги “Кўйтош”, “Ўгат”, “Қоронгул” қишлоқларидаги уй меҳмонхоналари, “Кўйтош” тоғидаги ғаройиб тош шакллари, “Тоғ кўли”, “Ғаройиб” шар тошлари экотуристлик масканларига, “Саъд ибн Абу Ваққос”, “Қозон ота”, “Саврук ота”, “Ғўбдин ота” зиёратгоҳларига олиб борувчи йўлларларга йўл кўрсаткичлари ва паноларни ўрнатиш.

Самарқанд вилояти бўйича - Самарқанд тумани ҳудудида туризм тоифасидаги автобуслар учун тўхташ жойи ва гараж, техник хизмат кўрсатиш устахонаси, ҳамда ҳайдовчиларни жойлаштириш учун меҳмонхона ҳамда ошхона қуриш, жумладан:

-автокорхонани қуриш учун ер майдони ажратиш;

-автокорхонани қуриш ва фойдаланишга топшириш.

Самарқанд шаҳрининг тарихий қисмида, ҳамда Самарқанд халқаро аэропорти ва темирйўл вокзалида йўловчиларга транспорт хизматлари кўрсатиш бўйича транспорт хизматини кўрсатувчи ташкилот тузиш устида ишлаш шу жумладан;

- Тошкент шаҳридан амалга ошириладиган “Афросиёб” тезюлар поездига эрталабки қўшимча рейсларни киритиш масаласини кўриб чиқиш, ҳамда улар жадвалини Самарқанд вилоятига келувчи туристлар оқимидан келиб чиқиб оптималлаштириш.

-Инвестиция дастурлари доирасида қуйидагиларга олиб борувчи йўл-транспорт тармоғини яхшилашга қаратилган автомобил йўллари қурилиши ва қайта қурилиши бўйича таклифлар ишлаб чиқиш:

Туризм индустрияси ривожланишига юнг катта таъсир ўтказадиган омиллардан бири мавсумийликдир. Мавсумийлик биргина мамлакатга тегишли бўлмасдан буту бир минтақага таъсирини ўтказди.

Умуман мамлакат бўйлаб ва алоҳида туристик комплексларда туристик мавсумнинг чегараларини кенгайтириш бўйича махсус дастурлар ишлаб чиқилади ва жорий қилинади. Улар қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади.

1. Туристик бозорни тадқиқ қилиш натижалари. Бунда асосий мавсумдан ташқари жалб қилиниши мумкин бўлган потенциал мижозлар сони ва таркиби аниқланади (ишбилармон одамлар, пенсионерлар, махсус қизиқишга эга одамлар ва ш.к.); товарлар в хизматлар тақдим этишга оид сўровлар ўрганиб чиқилади. Олинган ахборотдан меҳмонхоналар в ресторанларнинг моддий-техника базасини ягилаш, тегишли товарларни етказиб бериш, туристларга хизмат кўрсатиш сифатини ва уни ташкиллаштириш такомиллаштириш.

2. Умуман мамлакат, районлар ва туристик комплекслар бўйича йил давомида туристларни қабул қилишга тайёргарликни ошириш бўйича тадбирлар. Мавсумий даврни узайтириш бўйича барча манфаатдор ташкилотлар ўртасида мувофиқлаштиришни амалга ошириш назарда тутилади; туризм моддий-техника базаси мавсумлар оралиғида ишлашга мослаштирилади ва ҳ.к.

3. Туристларнинг мамлакатга ва алоҳида туризм районларига қизиқишини ошириш мақсадида уларни қитисодий рағбатлантириш тизими. Алоҳида товарлар ва хизматларга нархлар камайтиради, чегирмалар қилинади, туристик ташкилотларнинг мавсум оралиғидаги вақтда фаоллиги учун мукофотлар, рағбатлантиришлар берилади.

4. Мавсумлар оралиғида туристларни жаб қилиш учун реклама фаолиятини кенгайтириш. Алоҳида денгиз, тоғ ва бальнеологик марказлар ва уларда йилниг турли даврларида бўлишнинг фойдалилиги ташвиқ қилинади.

5. Мавсумдан ташқари вақтда туристларни жалб қилиш ёки қўшимча мавсум (қишки) ташкил қилиш. Турар жой ва транспортга баҳолар пасайтирилиши, арзонроқ жойлашиши объектларини кўпроқ куриш эвазига яшаш фондини кенгайтириш.

Масалан, бундай тадбирларни амалга ошириши Швейцария ва Австрия учун Альп тоғларида қишки спорт эвазига иккинчи «қизғин мавсум»ни ташкил қилиш имконини берди. БМТ маълумотларигзараганда, қиша дам олишни хоҳловчи туристлар сони ҳар етти йилдан кейин икки баробар кўпаяди.

Турли спорт мусобақалари, фестиваллар, конкурслар, кўрғазмалар, илмий конференциялар, конгресслар ва ш.к.ларни ташкил қилиш ҳам туристик мавсумни кенгайтиришга кўмаклашади. Шунингучун бундай тадбирларни иложи борица туристлар учун мавсум оралиғида ўтказган маъқул.

Мавсумийликнинг худудий туристик фаолиятга салбий таъсирини камайитириш бўйича тадбирларни режалаштириш учун кейинги йилларда режалаштирилаётган чораларнинг натижаларини баҳолаш мақсадида турли методлар кенг қўлланилмоқда.

Бу борада «Чарвоқ» эркин туристик зонасини олишимиз мумкин. Тошкент вилоятининг туристик салоҳиятини янада ривожлантириш ҳамда ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, худудга хорижий ва маҳаллий туристларни кенг жалб қилиш учун қулай шароитлар яратиш, замонавий инфратузилмани жадал ривожлантиришни таъминлаш, кўрсатилаётган туристик, меҳмонхона ва транспорт хизматларини кенгайтириш ва сифатини ошириш мақсадида Тошкент вилоятининг Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонаси чегараси доирасида «Чорвоқ» эркин туристик зонасини таш кил этилди. Эркин туристик зона худудида замонавий меҳмонхона мажмуалари, маданий-соғломлаштириш, савдо-кўнгилочар ва туристик аҳамиятдаги бошқа объектлар куриш, шунингдек замонавий муҳандислик инфратузилмаси объектларини ташкил этиш борасида ишлар олиб борилмоқда.

Қуйидагилар эркин туристик зонанинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди:

-эркин туристик зонада замонавий туризм инфратузилмаси объектлари (меҳмонхона мажмуалари, маданий-соғломлаштириш, савдо-кўнгилочар ва туристик аҳамиятдаги бошқа объектлар)ни, туристларга хизмат кўрсатиш учун зарур шароитларни таъминлаган ҳолда махсус функционал ва мавсумий рекреацион дам олиш зоналарини яратиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг инвестицияларини жалб қилиш;

-худуднинг экомухити имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ўзига хос туристик йўналишларни ташкил этиш;

-транспорт воситаларининг арзонлигини таъминлаш, ҳудудда транспорт ҳаракатининг янги (поезд, электропоезд, автобус), шу жумладан, муқобил энергия манбаларида ҳаракатланувчи турларини жорий этиш, йўловчи транспорти йўналишларини кенгайтириш, унинг тўхтовсиз ҳаракатини ташкил этиш, тегишли транспорт инфратузилмасини ривожлантириш;

-туристлар хавфсизлигининг қушимча шароитларини, шу жумладан туристик инфратузилма объектларини видеокузатув тизимлари билан жиҳозлаш, огоҳлантириш тизимларини ташкил этиш, минтақа ҳудудига келувчи туристлар ҳақида ягона маълумотлар базасини, фавқулодда ҳолатларда тез ёрдам бериш тизимини жорий этиш йўли билан яратиш;

-эркин туристик зона ҳудудида лойиҳаларни амалга ошираётган ва фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари ҳамда инвесторлар (шу жумладан, хорижий инвесторлар) учун белгиланган алоҳида божхона ва солиқ режимларини таъминлаш;

-энергиянинг муқобил ва қайта тикланадиган манбаларини кўллаган ҳолда янги замонавий энергия тежовчи тизимлар ва технологияларни синов тариқасида жорий қилиш асосида ўзига хос экологик тизимни яратиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Биз юқорида туризмнинг индустриясининг ривожланиши омиллари, унинг ривожланиш тенденциялари ва ижтимоий-иқтисодий мазмуни кабилар хусусида тўхталиб ўтдик. Энг асосийси, туризм индустриясининг ривожланиши моҳиятини очиб беришда унинг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатлари нуқтаи-назаридан ёндашишга эътиборни қаратдик. Маълумки, бошқа барча соҳаларда бўлгани каби туризмнинг ҳам ижтимоий-иқтисодий мазмунини белгилаб берувчи бир қатор омиллар мавжуд бўлиб, улар туризм ривожланишига таъсир кўрсатади ёки бошқача қилиб айтганда, туризмнинг ижтимоий ва иқтисодий асосларини бу каби омилларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шундан келиб чиққан ҳолда, ушбу бўлимда туризм индустриясининг ривожланишига таъсир этувчи омиллар хусусида тўхталиб ўтмоқчимиз.

БТТ тавсиясига кўра туризмнинг ривожланишига таъсир этувчи омиллар куйидагиларда ўз ифодасини топган:

- демографик ва ижтимоий ўзгаришлар;

- халқаро савдонинг ривожланиши;

- сиёсий барқарорлик;

- иқтисодий ва молиявий ўзгаришлар;

-транспорт инфратузилмаси ва ахборот таъминоти воситаларининг ҳолати.

Энди биз, ушбу омилларнинг ҳар бири ва уларнинг халқаро туризм ривожланишига кўрсатадиган таъсир даражаси хусусида тўхталиб ўтамиз.

Демографик ва ижтимоий ўзгаришлар. Ҳозирги кунда, ривожланган ва янги индустриал мамлакатларда аҳоли таркибидаги демографик ва ижтимоий ўзгаришлар кўплаб кишиларда бўш вақтлари ва даромадларини туристик саёҳатларга сарфлашга бўлган талабни юзага келтирмоқда. Бу эса, ўз навбатида халқаро туризмнинг ривожланишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Асосий демографик ва ижтимоий ўзгаришлар жумласига куйидагиларни киритиш мумкин:

-аҳолининг қариши; ишловчи аёллар сонининг ўсиши; кеч турмуш қуриш тенденциясининг кузатилиши; яқка яшовчи кишиларнинг кўпайиши;

-аҳолининг ўсишига нисбатан фарзандсиз оилаларнинг тез суръатларда ўсиши; оилавий даромаднинг ошиши;

-ҳақ тўланадиган таътил давомийлигининг ўсиши;

-иммиграцион чекловларнинг камайиши;

-пенсияга чиқиш ёши пасайиш тенденциясининг кузатилиши;

-кишиларда билим даражасининг ўсиши.

Биз қуйида бундай ўзгаришларнинг ҳар бирига қисқача тўхталиб ўтмоқчимиз. *Ишловчи аёллар сонининг ўсиши, карьера қилишга бўлган интилиш ва кеч турмуш қуриш тенденциясининг кузатилиши.* Бу каби ўзгаришлар халқаро туристик бозорнинг

“ишбилармон хонимлар” сегментининг кенгайишига таъсир кўрсатмоқда. Бу фикримизга Япония яққол мисол бўлиши мумкин. Ушбу мамлакатда “ишбилармон хонимлар” сегменти мамлакатдан ташқарига чиқиш туристик бозорининг 1/6 қисмини ташкил этади. Турмушга чиқадиган япон аёлларининг ўртача ёши 26 ёшни ташкил этади. Швеция бўлса энг кеч турмушга чиқишнинг ўртача ёши бўйича рекорд ўрнатган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Ушбу мамлакатда кеч турмуш қурадиган эр-хотинлар юқори даражадаги даромадга эга бўлишиб, улар даромадининг катта қисми тўй маросимига ва мос равишда, хорижий мамлакатларда ўтказиладиган асал ойига сарфланади. Яна Япония хусусида тўхталадиган бўлсак, ушбу мамлакатда энди турмуш қурган эр-хотинларнинг хорижий саёҳатлари туристик бозорнинг ўзига хос сегментини намоён этиб, мамлакатдан ташқарига чиқиш туризми умумий кўрсаткичининг 7% ини ташкил этади.

Ҳақ тўланадиган таътил давомийлигининг ўсиши. Ушбу ижтимоий омил мақсадлар ва фаолият турлари бўйича саёҳатларга бўлган талабларнинг, шунингдек, “ўрта” ва “куйи” мавсумлардаги туристик фаолликнинг ошишига таъсир кўрсатади.

Иммиграцион чекловларнинг камайиши. Прогнозларга қараганда, учинчи дунё мамлакатларидаги ишчи кучи 2020 йилга келиб тахминан 850 млн. кишига етади. Бу вақтда янги индустриал мамлакатлардаги ёш аҳолининг сони илгариги даражада сақланиб қолади ёки бундан ҳам камаяди. БТТ махсус ишчи гуруҳининг прогнозларига кўра, бу каби ҳолат саноати ривожланган мамлакатлардаги иқтисодий ўсиш суръатини сақлаш учун уларга меҳнат ресурсларини янада жалб этиш мақсадида иммиграцион чекловларни камайтириш заруриятини юзага келтиради. Иммиграцион чекловлар камайишининг халқаро туризм ривожланишига таъсири қуйидагича намоён бўлади:

- ишчи-иммигрантларнинг доимий истиқомат қиладиган мамлакатлари билан хориждаги бандлик марказлари ўртасидаги сафарлари сони ўсади;
- туристик бозорда ўзига хос этник гуруҳларга мўлжалланган янги туристик маҳсулотлар пайдо бўлади.

Пенсияга чиқиш ёши пасайиш тенденциясининг кузатилиши. БТТ махсус ишчи гуруҳининг фикрига қараганда, пенсионерларнинг маълумотлилиқ даражаси, моддий жиҳатдан тўқлиги, соғ-саломатлилиги ва фаоллиги уларга узоқ муддатли турлардан ва турли хил туристик маҳсулотлардан фойдаланиш имконини беради.

Кишиларда билим даражасининг ўсиши уларнинг янада кўплаб билимларни олишга бўлган интилишини оширади. Бошқа мамлакатлар ва халқларнинг маданиятини ўрганишга бўлган қизиқиш кишиларда саёҳат қилиш ҳамда янги билимлар ва таассуротларга эга бўлиш истагини юзага келтиради. Бунда янги ва кўп қиррали туристик маҳсулотга бўлган зарурият юзага келади.

Демографик ва ижтимоий ўзгаришлар халқаро туризмнинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи энг муҳим омиллардан бири бўлганлиги учун улар бўйича қилинган айрим прогноз натижаларини ҳам умумийлаштирган ҳолда келтириб ўтишни маъқул топдик:

Биринчидан, халқаро туризмнинг яқин келажакда кутилаётган ўсиши хорижлик туристларни қабул қиладиган мамлакатлар аҳолисининг даромадлари ошишига имкон яратади. Туризм тармоғининг кенгайиши туристик саноатнинг барча соҳаларида, шу жумладан, транспорт воситалари, туристларни жойлаштириш корхоналари ва бошқа шу қабиларда хизмат кўрсатувчи персоналга бўлган талабни оширади;

Иккинчидан, меҳнатга қобилиятли аҳоли ўртача ёшининг ошиши тажрибали саёҳатчи ва кўплаб қулайликларни афзал кўрадиган ҳар томонлама пухта истеъмолчи, яъни туристлар қатлами учун туристик маҳсулотларни яратиш заруриятини юзага келтиради.

БТТ прогнозларига кўра, демографик ўзгаришлар туристик саёҳат қилиш жойини танлашда ҳам ўз ифодасини топади: туристлар кўпроқ жанубдан шимолга қараб саёҳат қилишади, туристик саёҳатлардан кўзланган асосий мақсадлар бўлса кўп ҳолларда дўстлар ва қариндошларни зиёрат қилишга қаратилади.

Умуман олганда, демографик ва ижтимоий ўзгаришлар халқаро туризмнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатадиган энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Халқаро савдонинг ривожланиши. Глобаллашув шароитида халқаро савдо янада либерал тусга кириб бормоқда. Гарчи, ушбу соҳа ҳали ҳам тарифлар ва савдо бўйича Бош

битим (ТСББ) музокаралари натижасида юзага келган бир қатор ҳалақит берувчи омиллар таъсирини бошидан кечираётган бўлсада, дунё мамлакатларининг ўзаро интеграциялашув жараёнларини чуқурлаштиришга бўлган интилишлари халқаро савдони янада ривожлантириш имконини бермоқда. Табиийки, халқаро савдонинг ривожланиши халқаро туризмнинг ривожланишига муҳим таъсир кўрсатади. Чунки, халқаро туризмда туристик маҳсулотларнинг экспорти ва импортининг амалга оширилишини ривожланган халқаро савдо тизимисиз тасаввур этиш қийин. Ҳозирги кунда, мамлакатлар ўртасидаги халқаро савдони ривожлантиришга бўлган эҳтиёжнинг ўсиб бориши натижасида янада кўплаб минтақавий битимлар юзага келмоқда (масалан, Шимолий Америка савдо эркинлиги тўғрисидаги битим - НАФТА). Бундай битимларнинг амал қилиши ўз навбатида халқаро туризмнинг ривожланишини кўллаб-қувватлайди. Шунини айтиб ўтиш жоизки, бундай битимлар доирасида туристик операторларнинг халқаро тизими тобора кенгайиб бормоқда.

Сиёсий барқарорлик. Халқаро туризмнинг ривожланиш истиқболлари кўп жиҳатдан дунёдаги сиёсий барқарорликка боғлиқ бўлади. Халқаро туризм фақатгина тинчлик ҳукмрон бўлган шароитлардагина ривожланиши мумкин. Турли-туман урушлар, катағонлар, иқтисодиётдаги турғунликлар ҳамда фуқаролар ўртасидаги турли хил зиддиятлар ва келишмовчиликлар халқаро туризмнинг ривожланишига тўсқинлик қилади. Туристларнинг ўз хавфсизликлари учун хавотирга тушишлари халқаро туризмнинг ривожланишига тўғридан-тўғри ҳалақит берувчи омилдир. Умуман олганда, туристлар саёҳат давомида ўз хавфсизликларининг сақланишига тўлиқ ишонч ҳосил қилишлари керак. Табиийки, туристларда бундай ишонч ҳосил қилиш учун биринчи навбатда, уларни қабул қиладиган мамлакатларда сиёсий барқарорлик ва тинчлик ҳукмрон бўлиши зарур.

Кейинги йилларда, террористик ҳаракатлар кузатилаётган мамлакатларда халқаро туристик оқимларнинг тубдан қисқариш ҳолларининг кузатилаётганлиги фикримизнинг яққол исботи бўла олади. Бу эса, ушбу мамлакатларда нафақат халқаро туристик ташрифларнинг камайиши, балки мавжуд туристик ресурслар ва туризм инфратузилмасининг муайян даражада зарар кўришига, бу эса, ушбу мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг пасайишига олиб келмоқда. Бугунги кунга келиб, бундай хавф-хатарнинг олдини олиниши учун мамлакатларнинг биргалашиб ҳаракат қилиши орқалигина сиёсий барқарорликка эришилиши мумкинлигини барча мамлакатлар тушуниб етди. Ҳозирги кунда, кенг миқёсда кузатилаётган мамлакатларнинг бир қатор халқаро иқтисодий ва сиёсий бирликларга ўзаро бирлашиши билан бир қаторда уларни халқаро туристик ташкилотларга аъзо бўлиб киришлари ҳам бундай вазиятни енгиб ўтишнинг энг муҳим асосларидан бири ҳисобланади.

Иқтисодий ва молиявий ўзгаришлар. Халқаро туризм иқтисодиётнинг қандай аҳволда эканлигига (иқтисодий кўтарилиш ёки пасайиш) боғлиқ бўлади. 1997 йилдан бери жаҳон иқтисодиётида бўлиб ўтган бир нечта молиявий-иқтисодий инқирозлар кўплаб мамлакатларда халқаро туризмнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатди. Масалан, бундай инқирозни кўпроқ бошидан кечирган Россия Федерациясида *мамлакат ташқарисига йўналтирилган туризмнинг пасайиши миллий пул бирлиги – рубл курсининг қулашидан сўнг юз берди*. Бу эса ўз навбатида, мамлакат аҳолисининг тўловга қобилиятлигини умумий пасайишига ва хорижий мамлакатларда туристик саёҳатларни амалга ошириш учун юқори даромадга эга бўлган кишилар сонининг қисқаришига олиб келди.

Валюта курсларининг ўзгариши ҳам халқаро туризмнинг ривожланишига муҳим таъсир кўрсатади. Ҳисоб-китобларга қараганда, хорижий мамлакатларга саёҳат қилиш нисбий қийматининг 5% га ўсиши мамлакат ташқарисига йўналтирилган туризмга бўлган талабнинг 6-10% га пасайишига олиб келади. Шунинг учун ҳам, асосий валюта курсларининг ўзгариши кучли ва кучсиз валюталарга эга мамлакатлар ўртасидаги туристик оқимларга таъсир кўрсатади.

Транспорт инфратузилмаси ва ахборот таъминоти воситаларининг ҳолати. Халқаро туризмда янада такомиллашган, замонавий транспорт турлари ва ахборот таъминоти воситаларидан кенг кўламда фойдаланишнинг йўлга қўйилиши, шунингдек

турларнинг компьютер технологиялари ва дастурлари орқали расмийлаштирилиши кабилар туристик саёҳатларнинг ташкил қилинишини ҳамда туристларни белгиланган манзилларга етказилишини янада осонлаштиради.

Шунингдек, халқаро туризмни ривожлантиришда замонавий компьютер технологиялари ва дастурларидан янада самарали фойдаланиш, айниқса, халқаро Интернет тизими орқали туристик хизматлар кўрсатилишини йўлга қўйиш, кўплаб ривожланган мамлакатларда компьютер технологиялари орқали меҳмонхоналардан жой буюртма бериш тизимларининг амал қилиши ва бошқа шу каби кўплаб инновацияларнинг жорий этилиши ҳам туристларга ўз саёҳатларини амалга ошириш йўлида дуч келиши мумкин бўлган ҳар қандай вақтни олувчи тўсиқларни енгиб ўтиш ва бу билан қисқа муддат ичида кўнгилдагидек ҳордиқ чиқариш имкониятини беради.

“Ахборот ва мураббийлик соати”нинг самарадорлигини ошириш мақсадида “уч илдиз” сайтидан фойдаланиш тавсия этилади.

